— **выветрившаяся** — нураган девор

— **дымоходов** — мўрини териш

— **из мелких камней** — майда тошлардан териш

- из штучного камня — дона тошдан териш
- каменная — тош териш
- кирпичная — 1) гишт териш; 2) гиштин девор
- крупноблочная — йирик блокнин териш
- монолитная — куйма девор
- надземная — ер устида териш
- неармированная — ўзаксиз териш
- несущая каменная — юк кўтарувчи гиштин девор
- облицовочная — кошин коплангани териш
- подоконная — дераза остини териш
- ручная — кўлда териш
- с перевязкой швов — чокларни боглаб териш

**КЛАДОВАЯ — ОМБОРХОНА**

- багажная — юк омборхонаси
- инструментальная — асбоб-укуналар омборхонаси

**КЛАДОВЩИК — ОМБОРЧИ**

**КЛАПАН — ҚОПҚОҚ**

**КЛАСС — ТУРКУМ, ДАРАЖА, СИНФ**

- зернистости — донадорлик даражаси
- сооружений — иншоотлар туркуми
- точности — аниқлик синфи

**КЛАССИФИКАТОР — САРАЛОВЧИ, САРАЛАГИЧ**

- барабанный — чамбараксимон саралагич
- спиральный — спиралли саралагич

**КЛАССИФИКАЦИЯ — ТАСНИФЛАШ, ТАСНИФ**

- гранулометрическая — донадорлик таснифи
- зданий — иморатлар таснифи

**КЛЕВОЙ — ЕЛИМЛИ, СИРАЧЛИ**

**КЛЕЕННЫЙ — ЕЛИМЛАНГАН, ЭПИШТИРИЛГАН**

**КЛЕЕТЬ — ЕЛИМЛАМОҚ, ЭПИШТИРМОҚ**

**КЛЕЙ — ЕЛИМ, СИРАЧ**

- альбумаво-казеиновый — оксилказеинли елим
- белковый — оксилли елим
- водостойкий — сувга чидамли елим
- двухкомпонентный — икки таркибли елим

- малярный — бўёқ елими
- пластмассовый — пластмасса елими
- растительный — ўсимлик елими
- синтетический — синтетик елим
- смоляной — мўм елими
- столярный — дурадгорлик елими

**КЛЕЙКОСТЬ — ЭПИШҚОҚЛИК**

**КЛЕЙСТЕР — СИРАЧ, КРАХМАЛ ЕЛИМИ**

**КЛЕММА — ҚИСҚИЧ, УЛАГИЧ**

**КЛЕПАЛЬЩИК — ПАРЧИНЛОВЧИ**

**КЛЕПАТЬ — ПАРЧИНЛАМОҚ**

**КЛЕПКА — ПАРЧИНЛАШ**

- анахлестку — устма-уст парчинлаш
- горячая — киздириб парчинлаш
- паркетная — паркетни парчинлаш
- ручная — кўлда парчинлаш

**КЛЕТКА — ПАНЖАРА, КАТАК, ХУЖРА, БЎЛМА**

- лестничная — зина катаги
- лифта — лифт катаги

**КЛЕТЬ — ХУЖРА, ҚАЗНОҚ**

- грузовая — юк хужраси
- шахтная — шахта казноғи

**КЛЕЩИ — ОМБИР, ҚИСҚИЧ**

- грузовые — юк кўтариш қискичи
- кусачки — ўткир жағли омбир
- сварочные — пайвандлагич қискичи
- трубные — кувур қискич

**КЛИМАТ — ИҚЛИМ**

**КЛИМАТИЧЕСКИЙ — ИКЛИМИЙ**

**КЛИМАТОЛОГИЯ — СТРОИТЕЛЬНАЯ — БИНОКОРЛИК ИҚЛИМШУНОСЛИГИ**

**КЛИН — ПОНА**

- баба — тўқмоқ понаси
- верстака — дастгоҳ понаси
- врезной — ўйиб киритиладиган пона
- измерительный — ўлчов понаси
- крепяжный — маҳкамлагич пона
- монтажный — йиғув (тиклов) ишларида кўлланиладиган пона
- натяжной — тортувчи пона
- регулировочный — ростловчи пона
- с головкой — қалпоқли пона
- стопорный — каттиқловчи пона
- уплотняющий — зичловчи пона
- установочный — ўрнатувчи пона

**КЛИНКЕР — КЛИНКЕР (сув ўтказ-**



- майдиган ва қуймайдиган сунъий тош)
- КЛОАКА** — КЛОАКА, ЕРОСТИ ҚУ-ВУРИ
- КЛУБ** — КЛУБ, КЛУБ ВИНОСИ
- КЛУПП** — КЛУПП (резьба кирқадиган асбоб)
- КЛЮЧ** — КАЛИТ, ОЧҚИЧ
- гидрантный — жўмак очқичи
  - двухричажной трубный — икки дастакли қувур калити
- КЛЯМЕРА** — КЛЯМЕРА (токига тунукани бириктириш учун қоқиладиған темир тахта)
- КНОПКА ПУСКА** — ИШГА ТУШИРИШ ТУГМАСИ
- КОВЕР** — ТЎШАМА
- армированный — ўзақланган тўшама
  - битумный — мўмли тўшама
  - водоизоляционный — сувдан химояловчи тўшама
  - рубероидный — рубероид тўшама
  - рулонный гидроизоляционный — сувдан химояловчи ўрама тўшама
- КОВКА** — БОЛҒАЛАШ
- КОВКИЙ** — БОЛҒАЛАНУВЧАН, ЧЎЗИЛУВЧАН
- КОВРОВО-МОЗАИЧНЫЙ** — КОШИНКОР ТЎШАМАЛИ
- КОВШ** — ЧЎМИЧ
- бетоносмесителя — бетон корғич чўмичи
  - грейфера — грейфер чўмичи
  - двухчелюстной — қўш жағли чўмич
  - лопата — белкурак-чўмич
  - одноканатный грейферный — бир арконли грейфер чўмичи
  - опрокидывающийся — ағдарма чўмич
  - разгружающий — юк бўшатувчи чўмич
  - с боковой выгрузкой — ён томонлама бўшатувчи чўмич
  - с донной выгрузкой — тагидан бўшатувчи чўмич
  - створчатый — табақали чўмич
  - экскаватора — экскаватор (ер казигич) чўмичи
- КОЖУХ** — ҚОПЛАМА, ҚОБИК
- доменной печи — домна печи қопламаси
  - защитный — химоя қопламаси
- изолирующий — ажратқич қоплама
  - конвектора — конвектор қопламаси
  - металлический — металл қоплама
  - наружный — ташки қоплама
  - охлаждающий — совитқич қоплама
  - ребристый — қобирғали қоплама
  - трубчатый — қувурсимон қоплама
  - фильтра — сузғич қопламаси
- КОЗЕЛ** — ЧОРПОЯ, ЭШАК
- передвижной — кўчма чорпоя
  - раздвижной — суриладиган чорпоя
- КОЗЫРЕК** — СОЯБОН
- бетонный — бетон соябон
  - защитный — химоя соябони
  - над дверью — эшик соябони
  - над трибуной — минбар соябони
- КОЛ** — КОЗИК
- деревянный — ёғоч козик
  - осевой — ўқ козик
  - с крючком — илғакли козик
- КОЛЕБАНИЕ** — 1) ТЕБРАНИШ; 2) ЎЗГАРИШ
- вынужденная — мажбурий тебраниш
  - высокочастотное — юқори частотали тебраниш
  - звуковое — товуш тўлқини тебраниши
  - изгибное — эгилишдаги тебраниш
  - конструкции — қурилма тебраниши
  - линейное — тўғри чизикли тебраниш
  - направленное — йўналтирилган тебраниш
  - нелинейное — эгри чизикли тебраниш
  - поперечное — кўндаланг тебраниш
  - продольное — бўйлама тебраниш
  - расхода — сарф ўзгариши
  - свободное — эркин тебраниш
  - сезонное температурное — мавсумий ҳарорат ўзгариши
  - собственное — хусусий тебраниш
- КОЛЕНО** — ТИРСАК
- вала — вал тирсағи

— отводящее — тармокловчи тир-  
сак  
— раструб — кенгаювчи кувур тир-  
саги  
— сифона — сифон тирсаги  
**КОЛЕР — БҮЁК РАНГИ**  
**КОЛЕСО — ФИЛДИРАК**  
— вентилятора — шамол паррак  
гилдираги  
— водоподъемное — чархпалак  
— ковшовое — чўмичли гилдирак  
— лопастное — парракли гилдирак  
— цепное — занжирли гилдирак  
**КОЛЕЯ — ИЗ, ЙЎЛ**  
— автомобиля — автомобил изи  
— узкая — тор из  
— широкая — кенг из  
**КОЛКА — ҚОЗИҚЧА**  
**КОЛЛЕКТОР — ТЎПЛАГИЧ ЗОВУР,**  
**ТЎПЛОВЧИ КУВУР, КОЛЛЕКТОР**  
**КОЛОВОРОТ — ПАРМА, ҚЎЛ ПАРМА**  
**КОЛАДА — ФЎЛА, КУНДА**  
**КОЛОДЕЦ — КУДУҚ, ЧУҚУР**  
— абиссинский — кувурли кудук  
— артезианский — артезиан кудуги  
— буровой — бургуланган кудук  
— водобойный — сув чикаргич ку-  
дуғи  
— водопримный — сув қабул ки-  
ливчи кудук  
— водосбросный — сув тўпловчи  
кудук  
— канализационный — чикиндиляр  
кудуғи  
— контрольно-смотровой — назо-  
рат-кузатув кудуги  
— многоступенчатый перепадный —  
кўп поғонали кудук  
— опускной — пастлашувчи кудук  
(пойдевор тури)  
— опытный — тажриба кудуги  
— отстойный — тиндиргич кудук  
— поглощающий — ютувчи кудук  
— распределительный — таксим-  
лаш кудуги  
— сборный — йиғма кудук  
— сточный — окова кудук  
— тепловой сети — иссиқлик тар-  
моғи кудуги  
— уличный смотровой — кўчадағи  
кузатув кудуги  
— фильтрующий — сузгич кудук  
**КОЛОДКА — РАНДА ДАСТА, РАНДА**  
**ЁҒОЧИ**  
**КОЛОННА — УСТУН**

— бесконсольная — рафаксиз ус-  
тун  
— бетонная — бетон устун  
— буровая — бургу кудуги устуни  
— гибкая — эгилувчан устун  
— двутаврового сечения — қўш  
тавр кесимли устун  
— двухветвовая — қўш тармокли  
устун  
— железобетонная — темир-бетон  
устун  
— клеевая деревянная — елимлан-  
ган ёғоч устун  
— металлическая — металл устун  
— направляющая — йўналтирувчи  
устун  
— одноконсольная сплошная —  
бир рафақли яхлит устун  
— опорная — таянч устун  
— подкрановой балки — кран ости  
тўсини устуни  
— решетчатая — панжарасимон  
устун  
— сборная — йиғма устун  
— сборно-монолитная — йиғма-  
куйма устун  
— составная — таркибий устун  
— сплошная — яхлит устун  
— стальная — пўлат устун  
**КОЛОННАДА — УСТУНЛАР ҚАТО-**  
**РИ**  
**КОЛОСНИК — 1) ОЧИҚ СЎРИ;**  
**2) ЎТХОНА ПАНЖАРАСИ**  
**КОЛУН — ТЎМТОҚ БОЛТА**  
**КОЛЬЦО — ҲАЛҚА**  
— арматурные — ўзак ҳалқа  
— арочное — равоқ ҳалқаси  
— бетонное кольцо колодца — ку-  
дукнинг бетон ҳалқаси  
— верхнее фонарное — юкори фо-  
нус ҳалқаси  
— крепежное — маҳхамлагич ҳал-  
қа  
— наружное опорное — ташки та-  
янч ҳалқа  
— подошвенное — таглик ҳалқа  
— распорное — кашак ҳалқа  
— сварное — пайванд ҳалқа  
— свода — гумбаз ҳалқаси  
— уплотняющее — зичловчи ҳал-  
қа  
**КОМ — ГУВАЛА, КЕСАК**  
**КОМБАЙН — КОМБАЙН**  
— бетонирующий — бетонловчи  
комбайн

- бурильный — бургуловчи комбайн
- погружно-транспортный — ортиб ташийдиган комбайн
- проходческий — казиб ўтувчи комбайн
- КОМБИНАТ — КОМБИНАТ, КОРХОНА**
- деревообрабатывающий — ёғоч-созлик комбинати
- домостроительный — уйсозлик комбинати
- промышленно-строительный — бинокорлик саноати комбинати
- КОММУНАЛЬНЫЙ — КОММУНАЛ (ШАҲАР ХЎЖАЛИГИГА ОИД)**
- КОММУНИКАЦИЯ — КОММУНИКАЦИЯ, ТАРМОҚ ЙЎЛИ**
- внешнее — ташки тармоқ йўллари
- инженерные — муҳандислик тармоқлари
- надземные — ер усти тармоқ йўллари
- подземные — ер ости тармоқ йўллари
- КОМНАТА — ХОНА, УЙ, БЎЛМА**
- ванная — ваннахона
- жилая — яшаш хонаси, истикомат хонаси
- мансардная — болохона
- отдыха — дам олиш хонаси
- подсобная — ёрдамчи хона
- проходная — ўтиш хонаси
- спальня — ётоқхона
- КОМОК — ГУВАЛА, КЕСАК**
- КОМПАКТНОСТЬ — ЗИЧЛИК, ИХЧАМЛИК, ЙИҒНОКЛИК**
- КОМПАКТНЫЙ — ЗИЧ, ИХЧАМ, ЙИҒНОҚ**
- КОМПАРАТОР — КОМПАРАТОР (СОЛИШТИРИБ ЎЛЧАГИЧ АСБОБ)**
- поперечный — кўндаланг компаратор
- продольный — буйлама компаратор
- КОМПЕНСАТОР — МУВОЗАНАТЛАГИЧ, МОСЛАШТИРГИЧ**
- КОМПЕНСАЦИЯ — МУВОЗАНАТЛАШТИРИШ, МОСЛАШ**
- КОМПЛЕКС — МАЖМУА, КОМПЛЕКС**
- градостроительный — шаҳар курилиш мажмуаси
- жилой — турар-жой бинолари мажмуаси
- общественный — жамоат бинолари мажмуаси
- операция — ишлар мажмуаси
- промышленный — саноат бинолари мажмуаси
- спортивный — спорт комплекси
- КОМПЛЕКТ — ТЎПЛАМ**
- буровой — бургулаш тўплами
- сит — элаклар тўплами
- КОМПОЗИЦИЯ — КОМПОЗИЦИЯ**
- архитектурная — меъморий композиция
- архитектурно-планировочная — меъморий-тархлов композицияси
- городка — шаҳар композицияси
- объемная композиция домов — уйларнинг ҳажмий композицияси
- цветная — ранглар композицияси
- КОМПОНЕНТ — ТАРКИБ**
- второстепенный — иккинчи даражали таркиб
- нагрузки — юк таркиби
- раствора — қоришма таркиби
- КОМПОНОВКА — ТУЗИШ, ЖОЙЛАШТИРИШ**
- двухярусная — икки поғонали жойлаштириш
- зданий — иморат (бино) ларни жойлаштириш
- общая — умумий жойлаштириш
- помещений — хоналарни жойлаштириш
- КОМПРЕССОР — КОМПРЕССОР, ДАМ БЕРГИЧ**
- воздушный — ҳаво компрессори
- двухступенчатый — икки босқичли компрессор
- двухцилиндровый — икки цилиндрли компрессор
- одноступенчатый — бир босқичли компрессор
- передвижной — кўчма компрессор
- поршневой — поршенли компрессор
- центробежный — марказдан қочма компрессор
- КОМФОРТ — ҚУЛАЙЛИК, ШИНАМ, КОМФОРТ**
- квартиры с комфортом — шинам хонадон

— производственный — ишлаб-чи-кариш кулайлиги

**КОМФОРТАБЕЛЬНЫЙ** — ШИНАМ, КУЛАЙЛИК, БАДАСТИР

**КОМФОРТНОСТЬ** — ШИНАМЛИК, КУЛАЙЛИК, БАДАСТИРЛИК

**КОНВЕЙЕР** — КОНВЕЙЕР (машина, курилма)

— автомат — автомат конвейер

— вибрационный — титрама конвейер

— домостроительный — уйсозлик конвейери

— желобчатый — новсимон конвейер

— забойный — ер казувчи конвейер

— грузочный ленточный — тасмали ортувчи конвейер

— канатно-ленточный — арконтасмали конвейер

— ковшовый — чўмичли конвейер

— ленточно цепной — занжир-тасмали конвейер

— многоковшовый — кўп чўмичли конвейер

— сборный — йигма конвейер

— секционный — бўлмали конвейер

— стационарный — муким конвейер

— формовочный — қолиплаш конвейери

— цепной — занжирли конвейер

**КОНВЕКТОР** — иситгич

— электрический — электр иситгич

**КОНВЕКЦИЯ** — КОНВЕКЦИЯЛАШ (иссиқ хавони ҳайдаш)

— воздушная — хаво ёрдамида конвекциялаш

— вынужденная — мажбурий конвекциялаш

**КОНГЛОМЕРАТ** — КОНГЛОМЕРАТ (тоғ жинси)

**КОНДЕНСАТ** — КОНДЕНСАТ, КУЮЛТИРМА

**КОНДЕНСАТОР** — КОНДЕНСАТОР

— испарительный — буғлагич конденсатор

— контрольный — назорат конденсатори

**КОНДЕНСАЦИЯ** — КУЮЛИШ, КУЮКЛАШИШ, СУЮКЛИККА АЙЛАНИШ

— влаги — намликнинг суюкликка айланиши

**КОНДЕНСИРОВАТЬ** — КУЙИЛТИРМОК, КУЮКЛАНТИРМОК, СУЮКЛИККА АЙЛАНТИРМОК

**КОНДЕНЦИОНЕР** — КОНДЕНЦИОНЕР, ҲАВО СОВУТГИЧ

— подвесной — осма конденционер

— подоконный — дераза конденционери

**КОНДЕНЦИОНИРОВАНИЕ** — ҲАВОНИ СОВИТИШ

**КОНДУКТОР** — КОНДУКТОР, ТУТКИЧ

— плоский — ясси (текис) туткич

— пространственный — фазовий туткич

— сборочный — йигиш тутгичи

**КОНКОРЕ** — КОНКОРЕ (нақийёт иншоотларидаги тақсимлагич хона)

**КОНКУРС** — КЎРИК, ТАНЛОВ

— архитектурный — меъморий кўрик

— проектов — лойихалар кўриги

**КОНОИД** — КОНОИД (ҲАНДАСАВИЙ ШАКЛ)

**КОНПАТКА** — ДОСЛАШ, ТИРҚИШЛАРНИ БЕРКИТИШ

— пазух — тиркишларни беркитиш (лос, латта-путта ва ҳ. к. билан)

— швов — чокларни беркитиш

**КОНСЕРВАЦИЯ** — АСРАШ, БУЗИЛИШДАН САКЛАШ

— дерева — ёғочни чиришдан асраш

— памятника архитектуры — меъморлик ёдгорликларини асраш

**КОНСИСТЕНЦИЯ** — ЗИЧЛИК, ЮМШОКЛИК, КУЮКЛИК (даражаси)

— бетонной смеси — бетон қорришмасининг қуюклиги

**КОНСОЛЬ** — РАФАК

— выступающая — туртиб чикувчи рафак

— двухсторонняя — қўш томонли рафак

— опорная — таянч рафаги

— противосная — посанги рафак

**КОНСТРУИРОВАНИЕ** — ҚУРИШ, ТУЗИШ, ЯРАТИШ

**КОНСТРУКТОР** — КОНСТРУКТОР, ЯРАТУВЧИ

**КОНСТРУКЦИЯ** — ҚУРИЛМА

— алюминиевая — алюминий курилма

— арматурная — ўзакли курилма

— армокаменная — ўзак-тошли курилма

- армопанельная — ўзак-панелли курилма
- арочная — равоқли курилма
- арочная конструкция шахтной крепи — ер ости йўлагининг равоксимон курилмаси
- арочно сводчатая — куббали равоқ курилма
- архитектурная — меъморий курилма
- балочная — тўсинли курилма
- башенная — минорали курилма
- бескаркасная — синчсиз курилма
- бесраспорная — тираксиз курилма
- блочная — блокли курилма
- большепролетная — кенг ораликли курилма
- висячая — осма курилма
- внутренняя ограждающая — ички тўсик курилмаси
- вспомогательная — ёрдамчи курилма
- гвоздевая деревянная — михлама ёғоч курилма
- деревянная сборная — йиғма ёғоч курилма
- дощатая — тахта курилма
- железная — темир курилма
- железобетонная — темир-бетон курилма
- железобетонная каркасная — синчли темир-бетон курилма
- заводского изготовления — корхонада тайёрланадиган курилма
- замкнутая — берк (айланма, халқасимон) курилма
- из объемных элементов — ҳажмий кисмлардан иборат курилма
- каменная — тош курилма
- каркасная — синчли курилма
- каркасно-обшивная — синч-копламали курилма
- клееная — елимланган курилма
- компактная — ихчам курилма
- консольная — рафақли курилма
- коробчатая — кутсимоно курилма
- кровли — том курилмаси
- крупноблочная — йирик блокли курилма
- крупнопанельная — йирик панелли курилма
- крыши — том курилмаси
- купольная — гумбазсимон курилма
- линейная — чизикли курилма
- малогабаритная — кичик ўлчамли курилма
- марша — зинапоя курилмаси
- металлическая — металл курилма
- многосторонняя — кўп томонли курилма
- многоэтажная — кўп қаватли курилма
- монолитная — яхлит курилма
- мостовая — кўприк курилмаси
- несущая — юк кўтармайдиган курилма
- неразрезная — бўлакланмайдиган курилма
- несущая — юк кўтарувчи курилма
- нетранспортабельная — ташиш мумкин бўлмайдиган курилма
- облегченная — енгиллаштирилган курилма
- объемная — ҳажмий курилма
- ограждающая — тўсик курилма
- одежда — коплама курилма
- однородная — бир жинсли курилма
- опорная стоечная — таянч устуни курилмаси
- опытная — тажриба курилмаси
- панельная бескаркасная — синчсиз яхлит курилма
- плоская — ясси (текис) курилма
- пневмокаркасная — ҳаво тўлдирилган синчли курилма
- подвесная — осма курилма
- подвижная — кўзгалувчан курилма
- подводная — сув ости курилмаси
- подземная — ер ости курилмаси
- предварительно напряженная — олдиндан зўриктирилган курилма
- пространственная — фазовий курилма
- рамная — ромли курилма
- рамная многоэтажная — кўп қаватли ромли курилма
- ребристая — қовурғали курилма
- решетчатая — панжарали курилма
- сборная — йиғма курилма
- сборно-разборная — йиғма-ажратма курилма

- **сварно-литая** — куйма-пайванд курилма
- **сводчатая** — гумбазсимон курилма
- **сетчатая** — тўрсимон курилма
- **складчатая** — тахли курилма
- **слоистая** — катламли курилма
- **сплошная** — яхлит курилма
- **стандартная** — мезонга мос курилма
- **статически неопределимая** — статик ноаниқ курилма
- **статически определимая** — статик аниқ курилма
- **стоечно-балочная** — устун-тўсинли курилма
- **строительная** — бинокорлик курилмаси
- **тонкостенная** — юпка деворли курилма
- **тонкостенная сводчатая** — юпка деворли гумбазсимон курилма
- **упорная** — тиргак курилма
- **шпренгельная** — қўшимча панжарали курилма

**КОНТАКТ — ТУТАШУВ**

- **точный** — нуктавий туташув

**КОНТЕЙНЕР — КОНТЕЙНЕР, ЮК КУТИСИ**

- **разборный** — бўлакланадиган юк кутиси
- **цементный** — цемент ташиладиган кути

**КОНТОРА (СТРОИТЕЛЬНАЯ) — ИДОРА, ҚУРИЛИШ ИДОРАСИ**

**КОНТРАКТ — БИТИМ**

**КОНТРАСТ (ЦВЕТОВОЙ) — РАНГ-НИНГ КЕСКИН ЎЗГАРИШИ**

**КОНТРБАЛКА — ҚАРАМА-ҚАРШИ ТЎСИН**

**КОНТРБАНКЕТ — ҚАРШИ КЎТАРМА**

**КОНТРГУЗ — ПОСАНГИ ЮК**

**КОНТРОЛЬ — НАЗОРАТ**

**КОНТРФОРС — ТИРГОВУЧ**

**КОНТУР — ТАРХ, СИРТҚИ ШАКЛ**

**КОНУС — КОНУС**

**КОНУСОБРАЗНЫЙ — КОНУССИМОН**

**КОНФЕРЕНЦ-ЗАЛ — МАЖЛИСЛАР ЗАЛИ**

**КОНФИГУРАЦИЯ — ШАКЛ**

- **здания** — бинонинг шакли
- **изделия** — буюмнинг шакли

**КОНЦЕНТРАТОР — ТЎПЛАГИЧ,**

**ЙИГГИЧ, ЖАМЛАГИЧ, ҚУЮК-ЛАНТИРГИЧ**

- **напряженный** — зўриқишларни тўплагич

**КОНЦЕНТРАЦИЯ — ТЎПЛАНМА, ЖАМЛАНМА, ҚУЮҚЛАНМА**

- **предельно-допустимая концентрация** — йўл қўйилган тўпланма
- **пыли** — чанглар тўпланмаси

**КООПЕРАТИВ (ЖИЛИШНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ) — ШИРКАТ, ТУРАР-ЖОЙ ҚУРИЛИШ ШИРКАТИ**

**КООРДИНАТЫ — КООРДИНАТЛАР**

- **поверхности** — юза (сирт) координатлари
- **прямоугольная** — тўғри бурчакли координатлар
- **косые** — эгри координатлар

**КООРДИНАЦИЯ — МУВОФИҚЛАШ, МОСЛАШ, БИРЛАШТИРИШ**

**КОПАНИЕ — ҚАЗИШ, КАВЛАШ**

- **грунта** — грунтни казиш
- **продольное** — бўйламасига кавлаш

**КОПАТЕЛЬ — ҚАЗИГИЧ**

- **колодец** — кудук казигич

**КОПЕР — КОПЕР (КОЗИК ҚОҚУВЧИ ҚУРИЛМА)**

- **башенный** — минорали копер
- **гусеничный** — занжир гилдиракли копер
- **дробильный** — майдалагич копер
- **колесный** — гилдиракли копер
- **консольный** — рафакли копер
- **механический** — механик копер
- **паровой** — буг ёрдамида ишловчи копер
- **поворотный** — бурилувчи копер
- **рельсовый** — темир изли копер
- **ручной** — дастаки копер
- **самоходный** — ўзи юрар копер
- **универсальный** — хар хил ишбоп копер

**КОРА (ЗЕМНАЯ КОРА) — ҚОБИҚ (ЕР ҚОБИҒИ)**

**КОРИДОР — ЙЎЛАК, ДАҲЛИЗ**

**КОРКА — УСТКИ ҚАТЛАМ, ҚОБИҚ**

- **битумно-асфальтовая** — битумасфальт қобик
- **иловая** — куйка қатлам
- **ледяная** — музли қатлам

**КОРОБ — (ҚУТИСИМОН) ҚУВУР**

- **вентиляционный** — шамоллатувчи қувур
- **подземный** — ер ости қувури

**КОРОБИТЬСЯ** — **ТОБ ТАШЛАМОҚ**  
(**КЙШАЙМОҚ**)

**КОРОБКА** — **ЧОРЧЎП, ЧОРТАХТА,**  
**КЕСАКИ**

— **дверная** — эшик кесакиси

— **железобетонная** — темир-бетон  
чортахта

— **оконная** — дераза кесакиси

**КОРОБЛЕНИЕ** — **ТОБ ТАШЛАШ,**  
**КАЙШИШ, ҚЙШАЙИШ**

— **деревянное** — ёғочнинг тоб таш-  
лаши

**КОРОМЫСЛО** — **ШАЙИН, ПИ-**  
**ШАНГ**

**КОРОНКА** — **ҚОПЛАМА**

— **алмазная буровая** — бурғунинг  
олмос копламаси

**КОРОТЫШ** — **УЛАНМА**

— **анкерный** — зулфинли уланма

— **приваренный** — пайвандланган  
уланма

**КОРПУС** — **БИНО, ҚУТИ, ҚОБИК**

— **дом, здания** — уй, бино

— **административный** — маъмурий  
бино

— **жилой** — турар-жой биноси

— **многоэтажный** — кўп қаватли  
бино

— **основной производственный** —  
асосий ишлаб чиқариш биноси

— **сборочный** — йиғув ишлари би-  
носи

— **учебно-лабораторный** — ўқув-  
тажриба биноси

— **фабрично-заводской** — фабрика-  
завод биноси

**КОРРЕКТИВ** — **ТУЗАТИШ, ЎЗГАР-**  
**ТИРИШ, ТЎҒРИЛАШ**

**КОРРЕКТИРОВКА ПЛАНА** — **РЕЖА-**  
**НИ (ТАРҲНИ) ТУЗАТИШ**

**КОРРЕЛЯЦИЯ** — **АЛОҚАДОРЛИК**  
(**БОҒЛИҚЛИК**)

**КОРРОЗИЕСТОЙКОСТЬ** — **ЗАНГ-**  
**ЛАШГА ЧИДАМЛИЛИК**

**КОРРОЗИЙНЫЙ** — **ЗАНГЛАЙДИ-**  
**ГАН, ЧИРИЙДИГАН**

**КОРРОЗИОННОСТОЙКИЙ** — **ЗАНГ-**  
**ЛАШГА ЧИДАМЛИ**

**КОРРОЗИЯ** — **ЗАНГЛАШ, ЕМИ-**  
**РИЛИШ**

— **атмосферная** — ҳавода занглаш

— **бактериальная** — бактериядан  
емирилиш

— **бетона** — бетон емирилиши

— **железобетона** — темир-бетон  
емирилиши

— **кислотная коррозия** — турш  
таъсирида занглаш

— **раствора** — қоришманинг еми-  
рилиши

— **труб** — қувурнинг занглаши

— **химическая** — кимёвий емири-  
лиш

**КОРЧЕВАТЕЛЬ** — **КАВЛАГИЧ, СУ-**  
**ГУРГИЧ**

**КОРЧЕВАТЬ** — **КАВЛАМОҚ, СУҒУР-**  
**МОҚ**

**КОРЫТО** — **ТОҒОРА, ТОС**

— **смесительное** — қориштириш то-  
гораси

**КОСВЕННО-НАГРУЖЕННЫЙ** —  
**ҚИЯ ЮКЛАНГАН**

**КОСВЕННЫЙ** — **ҚИЯ, ҚЎШИМЧА,**  
**БИЛВОСИТА**

**КОСОГОР** — **ҚИЯЛИК, ЁНБАҒИР**

— **крутой** — тик қиялик

— **пологий** — ясси қиялик

**КОСОЙ** — **ҚИЯ, ЭҒРИ**

**КОСОСЛОЙ** — **ҚИЯ ҚАТЛАМ, ЭҒРИ**  
**ҚАТЛАМ**

— **искусственный** — сунъий қия  
қатлам

— **природный** — табиий қия қатлам

**КОСОСЛОЙНОСТЬ** — **ҚИЯ ҚАТЛАМ-**  
**ЛИЛИК**

**КОСОСЛОЙНЫЙ** — **ҚИЯ ҚАТЛАМЛИ**

**КОСОУР** — **КОСОУР (ЗИНАПОЯ**  
**ҚИЯ ТЎСИНИ)**

— **деревянный** — ёғоч қосоур

— **лестницы** — зина қосоури

**КОСТЫЛЬ** — **КОЗИҚ МИХ**

**КОСЫНКА** — **УЧБУРЧАК ТЕМИР**

**КОСЯК** — **КЕСАКИ, ЁНДОР**

— **дверного проема** — эшик ёндори

— **свода** — гумбоз ёндори

**КОТЕЛ** — **ҚОЗОН**

— **варочный** — қайнатиш қозони

— **газовый** — газ қозони

— **газотрубный** — газ қувурли қо-  
зон

— **отопительный** — иситиш қозони

— **паровой** — буғ қозони

**КОТЕЛЬНАЯ** — **ҚОЗОНХОНА, ЎТХО-**  
**НА**

— **групповая** — қозонхона гуруҳи

— **домовая** — уй қозонхонаси

— **квартильная** — даха қозонхо-  
наси

— **районная (городская)** — туман  
(шаҳар) қозонхонаси

— **центральная** — марказий қозон-  
хона

**КОТЛОВАН — ХАНДАҚ, ҶА**

- крепленный — чети маҳкамланган хандақ
- круглый — айланма хандақ
- открытый — очик хандақ

**КОТЛОВАНОКОПАТЕЛЬ — ХАНДАҚ ҚАЗИГИЧ**

- буровой — пармалаб хандақ қазигич
- буровик со шнековым буром — бурама ўқли хандақ қазигич
- с многоковшовым буром — кўп чўмичли хандақ қазигич

**КОТЛОВИНА — ХАВЗА (атрофи) банд тепаликлар билан ўралган чукур ер)**

- замкнутая — берк хавза

**КОТТЕДЖ — КОТТЕЖ (ҲОВЛИ-УЙ)****КОУШ — СИМАРҚОН****КОЧЕГАР — ҮТЁҚАР****КОЧЕГАРКА — ҮТХОНА****КОШКА — ЛАНГАРЧА**

- подвесная — осма лангарча

**КОШКИ — ЧАНГАК, ТИРНОҚ****КОЭФФИЦИЕНТ — ЭМСОЛ, КОЭФИЦИЕНТ****КРАН — 1) КРАН, КЎТАРГИЧ, ЮК КЎТАРГИЧ; 2) ЖЎМРАК**

- автомобильный — юк кўтаргич автомобиль
- балка — тўсинли юк кўтаргич
- башенный — минорали юк кўтаргич
- водопроводный — сув жўмраги
- воздуховыпускной — ҳаво чиқарувчи жўмрак
- воздушный — ҳаво жўмраги
- выпускной — чиқарувчи жўмрак
- грейферный — чангакли (қисқичли) юк кўтаргич
- грузоподъемный поворотный — бурилувчан юк кўтаргич
- гусенично-стреловой — занжир филдиракли хартумли юк кўтаргич
- двухканатный грейферный — икки арқонли чангакли (қисқичли) юк кўтаргич
- двухконсольный — икки рафакли (тирсакли) юк кўтаргич
- железнодорожный — темир йўл юк кўтаргичи
- грузозачный — юк ортадиган кўтаргич
- копер — козиқ кокадиган юк кўтаргич

— магнитный — магнитли юк кўтаргич

— мачтовый — устули юк кўтаргич

— монтажный самоходный — ўзи юрар тикловчи юк кўтаргич

— мостовой — кўприксимон юк кўтаргич

— неподвижный кабельный — электр симли қўзғалмас юк кўтаргич

— опорожнения — бўшатадиган юк кўтаргич

— паровой — буг жўмраги

— передвижной — кўчма юк кўтаргич

— пневмоколесный башенный — резина филдиракли юк кўтаргич

— поворотный мостовой — кўприксимон бурилувчи юк кўтаргич

— поворотный стреловой — хартумли бурилувчи юк кўтаргич

— погрузно-разгрузочный — юк-лаб туширувчи юк кўтаргич

— подъемный — кўтарма юк кўтаргич

— разборно-портальный — ажралма-равокли юк кўтаргич

— распределительный — таксимлаш жўмраги

— рельсовый — изли юк кўтаргич

— с крюком — илмокли юк кўтаргич

— с поворотной стрелой — бурилувчи хартумли юк кўтаргич

— самоходный — ўзи юрар юк кўтаргич

— стреловой — хартумли юк кўтаргич

— шагающий — одимловчи юк кўтаргич

— электрический — электр юк кўтаргич

**КРАНОВЩИК — КРАНЧИ****КРАСИТЕЛЬ — БЎЁВЧИ, БЎЁК****КРАСИТЬ — БЎЯМОҚ, РАНГ БЕРМОҚ****КРАСКА — БЎЁК, РАНГ, СИР**

— антикоррозионная — занглашга қарши бўёк

— водоизолирующая — сувдан химояловчи бўёк

— водоотталкивающая — сув қочирадиган бўёк

— готовая к употреблению — ишлатишга тайёр бўёк



— густотертая — куюк бӯёқ  
 — декоративная — пардоз бӯёғи  
 — заводская — корхонада тайёрланган бӯёқ  
 — известковая — охакли бӯёқ  
 — клеевая — елимли бӯёқ  
 — лаковая — лок бӯёқ  
 — масляная — мойли бӯёқ  
 — минеральная — минерал бӯёқ  
 — несмываемая — ювилмас бӯёқ  
 — огнезащитная — оловдан муҳофаза қилувчи бӯёқ  
 — полимерная — полимер бӯёқ  
 — силикатная — силикат бӯёқ  
 — строительная — бинокорлик бӯёғи  
 — цементная — цементли бӯёқ  
 — эмалевая — сир бӯёқ  
 — эмульсионная — эмульсия бӯёғи  
 — эпоксидная — эпоксид бӯёқ  
**КРАСКОПУЛЬТ — БҮЁҚ ПУРКАГИЧ**  
 — ручной — дастаки бӯёқ пуркагич  
**КРАСКОРАСПЫЛИТЕЛЬ — БҮЁҚ ПУРКАГИЧ**  
 — пистолет — бӯёқ пуркагич тўпонча  
**КРАСКОТЕРКА — БҮЁҚ ҚОРГИЧ**  
**КРЕЙЦМЕЙЦЕЛЬ — КРЕЙЦМЕЙСЕЛЬ, МЕТАЛЛ КЕСКИЧ** (чилангарлик асбоби)  
**КРЕКИНГ — ЕР МОЙИ**  
**КРЕМЕНЬ — ЧАҚМОҚ ТОШ**  
**КРЕМНЕВИДНЫЙ — ЧАҚМОҚ-ТОШСИМОН**  
**КРЕМНЕЗЕМ — ҚУМТУПРОК**  
**КРЕПИТЬ — МАҲҚАМЛАМОҚ, БИРИКТИРМОҚ, ҚОТИРИШ**  
 — раскосами — тирговчилар билан маҳқамламоқ  
 — распорками — тиргақлар билан маҳқамламоқ  
**КРЕПЛЕНИЕ — МАҲҚАМЛАШ, БИРИКТИРИШ**  
 — котлована — хандақни мустаҳкамлаш  
 — откоса — қиялик (нишаб)ни мустаҳкамлаш  
 — панеля — панелни қотириш  
 — при помощи распорок — тиргақлар ёрдамида маҳқамлаш  
**КРЕПОСТЬ — 1) ПИШИҚЛИК, 2) ҚУЮҚЛИК**  
 — раствора — қоришманинг қуюқлиги

— средняя — ўртача пишиқлик  
**КРЕПЬ — МУСТАҲҚАМЛАГИЧ**  
**КРЕСТОВИНА — КРЕСТОВИНА**  
**КРИВАЯ — ЭГРИ, ЭГРИ ЧИЗИҚ, ҚИЙШАЙГАН**  
**КРИВИЗНА — ЭГРИЛИК, ҚИЙШИҚЛИК, ЭГРИ-БУГРИЛИК**  
**КРИВОЙ — ҚИЙШИҚ, ЭГРИ**  
**КРИСТАЛЛ — КРИСТАЛЛ**  
**КРИТЕРИЙ — МЕЗОН, ҲЛЧОВ**  
 — разрушения — бузилиш мезони  
 — эффективности — самарадорлик мезони  
**КРОВЕЛЬНЫЙ — ТОМ ЁПМА, ТОМ ҚОПЛАМА**  
**КРОВЕЛЬЩИК — ТОМ ЁПУВЧИ, ТУНУКАЧИ**  
**КРОВЛЯ — ТОМ ЁПМАСИ, ТОМ ҚОПЛАМАСИ**  
 — асбестоцементная — асбест-цементли том ёпмаси  
 — асбошиферная — асбошиферли том ёпма  
 — бетонная — бетон том қопламаси  
 — из листовой стали — тунока том ёпмаси  
 — из рулонных материалов — ўрма том ёпмаси  
 — негоряемая — ёнмайдиган том ёпмаси  
 — рубероидная — рубероид том ёпмаси  
 — трудногораемая — қийин ёнувчан том ёпмаси  
 — устойчивая — турғун том ёпма  
 — черепичная — черепицали том ёпмаси  
 — шиферная — шиферли том ёпмаси  
**КРОМКА — ҚИРРА, ЁН, ЗИХ, ЧЕТ**  
 — верхняя — юқори қирра  
 — дорожной одежды — йўл қопламаси қирраси  
 — доски — тахта қирраси  
 — опорная — таянч зихи  
 — острая — ўткир қирра  
**КРОН — КРОН (минерал бӯёқ)**  
 — желтый (свинцовый) — сариқ бӯёқ  
**КРОНЦИРКУЛЬ — КРОНЦИРКУЛЬ**  
**КРОНШТЕЙН — КРОНШТЕЙН, ТАЯНЧ**  
 — для навески радиатора — радиаторни ўрнатиш таянчи

— закрепленный в стене — деворга ўрнатилган таянч

**КРОШЕНИЕ** — УВАЛАНИШ, МАЙ-ДАЛАНИШ

**КРОШИТЬСЯ** — УВОКЛАНМОҚ, МАЙДАЛАНМОҚ

**КРОШКА** — УВОК, УШОК, КУКУН

- гранитная — гранит увоғи
- из стекла — ойна (шиша) кукуни
- мраморная — мрамар кукуни

**КРУГ** — ДОИРА

- Мора — Мор доираси
- напряжений — зўриқишлар доираси

**КРУГЛОСЕТОЧНЫЙ** — юмалок тешикли тўр

**КРУЖАЛО** — ГУМБАЗ КОЛИПИ, ЕЙСИМОН КОЛИП

- ребровое — киррали ёйсимон коллип

**КРУПКА (ЦЕМЕНТНАЯ)** — ОҚШОҚ (ЦЕМЕНТ ОҚШОҒИ)

**КРУПНОЗЕРНИСТОСТЬ** — ЙИРИК ДОНАЛИЛИК

**КРУПНОЗЕРНИСТЫЙ** — ЙИРИК ДОНАЛИ

**КРУПНОКУСКОВОЙ** — ЙИРИК ПАРЧАЛИ (ЙИРИК БЎЛАКЛИ)

**КРУПНОМАСШТАБНЫЙ** — ЙИРИК КЎЛАМЛИ, КЕНГ МИҚЁСЛИ

**КРУПНОПАНЕЛЬНЫЙ** — ЙИРИК ПАНЕЛЛИ

**КРУПНОПОРИСТЫЙ** — ЙИРИК ФО-ВАКЛИ

**КРУПНОРАЗМЕРНЫЙ** — ЙИРИК ЎЛЧАМЛИ

**КРУПНОСБОРНЫЙ** — ЙИРИК ЙИФМАЛИ

**КРУПНОСЕРИЙНЫЙ** — ЙИРИК СЕРИЯЛИ

**КРУПНОСУДИСТЫЙ** — ЙИРИК СИҒИМЛИ

**КРУПНОСТЬ** — ЙИРИКЛИК

- зерен — зарраларнинг йириклиги
- максимальная, наибольшая — энг катта йириклик
- предельная — чегаравий йириклик

**КРУПНОФОРМАТНЫЙ** — ЙИРИК ЎЛЧАМЛИ

**КРУТИЗНА** — 1) ТИККАЛИК, БАЛАНДЛИК; 2) ЖАРЛИК

- откоса — қияликнинг тиккалиги
- предельная — чегаравий тиккалик

- склона — ёнбағирнинг тиккалиги

**КРУТИТЬ** — АЙЛАНТИРМОҚ

**КРУТОЙ** — ТИК, ТИККА

**КРУЧЕНИЕ** — ЭШИШ, БУРАЛИШ

- верёвки — аркон эшиш
- при изгибе — эгилганда буралиш
- свободное — эркин буралиш
- холодное — совук ҳолда буралиш

**КРУЧЕННЫЙ** — БУРАЛГАН

**КРЫЛО** — ҚАНОТ (биннинг ёнига қурилган иморат)

**КРЫЛЬЦО** — ПЕШАЙВОН, УЙГА КИРАВЕРИШДАГИ ЗИНАПОЯ

**КРЫЛЬЧАТЫЙ** — ҚАНОТЛИ, ПАР-РАКЛИ

**КРЫША** — ТОМ, ЧОРДОҚ

- без подкосов — ховонсиз (тиргаксиз) том
- бесчердачная — чордоксиз том
- вальмовая — сернишаб том
- висячая — осма том
- гладкая сводчатая — силлик (текис) гумбазли том
- двускатная — икки нишабли том
- железобетонная двускатная — икки нишабли темир-бетон том
- консольная — рафакли том
- купольная — гумбазли том
- мансардная — болоконали том
- многоскатная — кўп нишабли том
- неventилированная — шамоллатилмайдиган том
- одна скатная — бир нишабли том
- пирамидальная — пирамида шаклидаги том
- плоская — ясси (текис) том
- с микрочердаком — кичик чордоқли том
- сводчатая — гумбазли том
- скатная — нишабли том
- совмещенная — қўшма том,
- стропильная — синч-сарровли том
- фахверковая — устунли том
- чердачная — чордоқли том
- четырехскатная — тўрт нишабли том

**КРЫШКА** — ҚОПҚОК

**КРЮК** — ИЛГАК, ИЛМОҚ

- анкерный — зулфинли илгак
- арматурный — ўзақли илгак
- грузовой — юк кўтаргич илмоқ
- дверной — эшик илгаги
- дверных навесов — ошиқ-мошиқ илгаги

— для водосточного желоба — тар-  
нов илгаги  
**КРЮЧКОВАТЫЙ** — ИЛГАКСИМОН,  
ИЛМОКСИМОН  
**КРЮЧОК** — ИЛГАК  
**КРЯЖ** — ҒҮЛА, ТҮНКА, КУНДА  
**КСИЛОЛИТ** — КСИЛОЛИТ (бинокор-  
лик хом ашәси)  
**КУБ** — 1) КУБ (идиш); 2) КУБ  
(мунтазам олтиёклик); 3) КУБ  
(бирор соннинг учинчи даражаси)  
**КУБАТУРА** — КУБАТУРА, ХАЖМ  
(кубометр ҳисоби билан олин-  
ган ҳажм)  
— здания — бино ҳажми  
— общая кубатура здания — бино-  
нинг умумий ҳажми  
— строительная — курилиш ҳажми  
**КУБОМЕТР** — КУБОМЕТР (ҳажм ўл-  
чами)  
**КУВАЛДА** — ТҮҚМОҚ, БОСҚОН,  
КАТТА БОЛҒА  
**КУЛАЧОК** — КУЛАЧОК (машина ўқи-  
нинг эксцентрик қисми)  
**КУЛЬТУРНО-БЫТОВОЙ** — МАДА-  
НИЙ-МАИШИЙ  
**КУПОЛ** — ГУМБАЗ, КУББА  
— в кровле — том гумбази  
— византийский — византия услу-  
бидаги гумбаз  
— вращения — айланма гумбаз  
— геометрический — хандасавий  
гумбаз  
— гладкий — силлиқ гумбаз  
— двухслойный — кўш катли гум-  
баз  
— деревянный — ёғоч гумбаз

— железобетонный — темир-бетон  
гумбаз  
— каменный — тош гумбаз  
— кирпичный — гиштин гумбаз  
— круглый — юмалоқ гумбаз  
— металлический — металл гумбаз  
— многогранный (многоуголь-  
ный) — серкирра гумбаз  
— плоскостный — текис сиртли  
гумбаз  
— пологий — кия гумбаз  
— ребристо-кольцевой — ҳалқаси-  
мон ковуғғали гумбаз  
— ребристый — ковуғғали гумбаз  
— сборный — йиғма гумбаз  
— складчатый — бурмали гумбаз  
— сферический купол оболочка —  
куррасимон қобик гумбаз  
— толстостенный — калин деворли  
гумбаз  
— шатровый — чодирсимон гумбаз  
**КУПОЛОБРАЗНЫЙ** — ГУМБАЗСИ-  
МОН  
**КУСАЧКИ** — ОМБИР, КАМПИРОФИЗ  
— арматурные — ўзақ қирқувчи  
омбир  
— проволочные — сим қирқувчи ом-  
бир  
**КУСКОВОЙ** — бўлак-бўлак  
**КУХНЯ** — ОШХОНА  
— походная — кўчма ошхона  
— рабочая — ишчилар ошхонаси  
**КЮБЕТ** — КЮБЕТ, АРИҚ  
— вдоль улицы — кўча четидаги  
ариқ  
— дорожный — йўл ариғи  
— дренажный — сизот сувини оқи-  
зиш ариғи

## Л

**ЛАБИРИНТ** — ЛАБИРИНТ (ички хо-  
налари ва айланма йўллари кўп  
бўлган иншоот-қаср)  
**ЛАБОРАТОРИЯ** — ТАЖРИБАХОНА  
— полевая — курилиш майдонида-  
ги тажрибахона

**ЛАБРОДОРИТ** — ЛАБРОДОРИТ (да-  
ла шпатага мансуб тоғ жинси)  
**ЛАВА** — ЛАВА (тоғ жинси катлами  
қазиб олинадиган жой)  
**ЛАВИНА** — КҮЧКИ  
— пылевая — чанг кўчкиси

— снежная — кор кўчки  
**ЛАВИНООПАСНО** — КҮЧКИ ХАВ-  
 ФИ  
**ЛАВИНОРЕЗ** — КҮЧКИ КЕСГИЧ  
**ЛАГА** — ПОЛ ТҮСИНИ, НИМТҮСИН  
**ЛАЗ** — ТЕШИК, ТУЙНУК, ДАРЧА  
 — **смотровый** — кузатиш дарчаси  
**ЛАЗУРЬ** — ХАВОРАНГ (ОЧКҮК) БҮ-  
 ЁК, ЗАНГОРИ БҮЁК, ЛАЗУРЬ  
**ЛАК** — ЛОК (пардозлаш, жилвалаш  
 мақсадида суртиладиган суюқ мод-  
 да)  
 — **асфальто-битумный** — асфальт-  
 битум локи  
 — **горячей сушки** — иссик шаронт-  
 да куртиладиган лок  
 — **двухкомпонентный** — икки тар-  
 кибли лок  
 — **защитный** — химоя локи  
 — **нитроглифталевый** — азот кисло-  
 тали лок  
 — **печной** — печка локи  
 — **покровный** — қоплама лок  
 — **цветной** — рангли лок  
 — **эмалевый** — сирловчи лок  
 — **янтарный** — қажрабо локи  
**ЛАМИНАРНЫЙ** — ЛАМИНАР...  
 — **поток** — ламинар (текис) оқим  
**ЛАМПА** — ЧИРОК, КАВШАРЛАГИЧ,  
 ЁРИТКИЧ, МАШҶАЛ  
 — **бензиновая паяльная** — бензин-  
 да ишлайдиган кавшарлагич  
 — **дневного света** — қундузги ёруғ-  
 лик таркатувчи ёриткич  
 — **зеркальная** — кўзули чирок  
 — **люминисцентная** — люминис-  
 цент чирок  
 — **матированная** — хиралаштирил-  
 ган чирок  
 — **лампа накаливания** — чўғланма  
 чирок  
 — **неоновая** — неон чирок  
 — **паяльная** — кавшарлагич  
**ЛАНДШАФТ** — ЛАНДШАФТ, МАН-  
 ЗАРА  
 — **природный** — табиий ландшафт  
**ЛЕБЕДКА** — ЧИГИР, ЮК КҮТАР-  
 ГИЧ  
 — **барабанная** — чамбаракли чи-  
 гир  
 — **буровая** — пармалаш чигири  
 — **грейферная** — чангакли чигир  
 — **зубчато-фрикционная** — тишли-  
 ишқаланма чигир  
 — **кабельная** — йўгон симли чи-  
 гир

— **комбинированная** — умумлаш-  
 ган (бир неча иш бажарувчи)  
 чигир  
 — **лифта** — лифт чигири  
 — **маневровая** — турли ҳаракатлар-  
 ни бажарувчи чигир  
 — **многобарабанная** — кўп чамба-  
 ракли чигир  
 — **многоскоростная** — кўп тезлик-  
 ли чигир  
 — **настенная** — девор чигири  
 — **приводная** — узатмали чигир  
 — **реверсивная** — ўзгарувчан ҳара-  
 катли чигир  
 — **ручная** — дастаки чигир  
 — **треловочная** — судрама чигир  
 — **тяговая** — тортма чигир  
 — **фрикционная** — ишқаланма чи-  
 гир  
 — **червячная** — червякли чигир  
 — **черпаковая** — чўмичли чигир  
 — **электрическая** — электр чигир  
**ЛЕГЕНДА** — ИЗОҲ, ШАРҲ (харита,  
 чизмага ёзилган изоҳ)  
**ЛЕГКОВЕТРИВАЮЩИЙСЯ** —  
 ОСОН НУРОВЧИ  
**ЛЕГКОПЛАВНЫЙ** — ОСОН СУЮҚ-  
 ЛАНУВЧИ  
**ЛЕГКОПОДВИЖНОЙ** — ЕНГИЛ ҲА-  
 РАКАТЛАНУВЧИ  
**ЛЕГКОСИПУЧИЙ** — ОСОН ТҮКИ-  
 ЛУВЧИ  
**ЛЕДНИК** — МУЗЛИК, МУЗХОНА,  
 МУЗ ХАРСАНГИ  
**ЛЕДНИКОВИЙ** — МУЗЛИК ДАВРИ-  
 ГА ОИД  
**ЛЕЖЕНЬ** — ТАГСИНЧ  
**ЛЕКАЛЬНЫЙ** — ЭГРИ ЧИЗИҚКА  
 ОИД  
**ЛЕНТА** — ТАСМА, ЖИЯК  
 — **бесконечная** — чексиз тасма  
 — **водозащитная** — сув ўтказмай-  
 диган тасма  
 — **высокопрочная** — ўта чидамли  
 тасма  
 — **гусеничная** — занжир тасма  
 — **движущаяся** — ҳаракатланувчи  
 тасма  
 — **желобчатая** — новсимон тасма  
 — **изоляционная** — химоя тасмаси  
 — **конвейерная** — юк элтувчи тас-  
 ма  
 — **плетневая** — тўқима тасма  
 — **проволочная сетчатая** — сим  
 тўрли тасма

— транспортная — наклиёт тасмаси  
 — фашинная — тўқима тасма  
**ЛЕНТООБРАЗНЫЙ — ТАСМАСИМОН, ЖИЯКСИМОН**  
**ЛЕНТОЧНОПИЛЬНЫЙ — ТАСМАСИМОН АРРА**  
**ЛЕНТОЧНЫЙ — ТАСМАСИМОН, ЖИЯКСИМОН**  
**ЛЕПЕШКА — ЭЗИЛИШ, ЗИЧЛАНИШ**  
 — бетонная — эзилган бетон  
 — цементная — цемент зичлашуви  
**ЛЕПНОЙ — ГАНЧКОРЛИККА ОИД**  
**ЛЕС — 1) ЁҒОЧ-ТАХТА; 2) ЎРМОН, ДАРАХТЗОР**  
 — валежный — кесилган ёғоч  
 — высоковольтный — узун ўзақли дарахт  
 — деловой — ишга яроқли ёғоч  
 — круглый — юмалок ёғоч  
 — лиственный — япроқли дарахт ёғочи  
 — просушенный — куритилган ёғоч  
 — свайный лес — қозикбөл ёғоч  
 — хвойный — игна барғли дарахт ёғочи  
**ЛЕСА — ҲАВОЗА**  
 — висячие — осма ҳавоза  
 — выдвижные — сурилувчи ҳавоза  
 — консольные — осма тўсинли ҳавоза  
 — лестничные — нарвонли ҳавоза  
 — монтажные — тиклаш ишлари ҳавозаси  
 — опорные — таянч ҳавоза  
 — передвижные — кўчма ҳавоза  
 — переносные — кўчирма ҳавоза  
 — подвижные — силжувчан ҳавоза  
 — сборные трубчатые — қувурдан ясалган йиғма ҳавоза  
 — стоечные — устунли ҳавоза  
**ЛЕСЕНКА — НАРВОНЧА, ЗИНАЧА**  
**ЛЕСОВОЗ — ЁҒОЧ ТАШИГИЧ**  
**ЛЕСОЗАГОТОВИТЕЛЬНЫЙ — ЁҒОЧ ТАЙЁРЛОВЧИ**  
**ЛЕСОМАТЕРИАЛ — ЁҒОЧ-ТАХТА**  
 — круглый — думалок ёғоч  
 — крупный — йирик ёғоч

— обрезной — чеккаси қирқилган тахта  
 — полусухой — нам ёғоч  
 — сортовой — навли ёғоч  
 — строительный — бинокорлик ёғочи  
 — тесанный — йўнилган ёғоч  
 — лесоматериал хвойных пород — игна барғли дарахт ёғочи  
 — четырехканный — тўрт қиррали ёғоч  
**ЛЕСОПИЛКА — ЁҒОЧ ТИЛГИЧ**  
**ЛЕСОРУБ — ДАРАХТ КЕСУВЧИ**  
**ЛЕСОПЛАВ — ЁҒОЧ ОҚИЗИШ**  
**ЛЕСОСПУСК — ЁҒОЧ ТУШИРИШ**  
**ЛЁСС — СОҒ ТУПРОҚ**  
 — карбонатный — карбонатли соғ тупроқ  
 — лессовидный — соғ тупроқсимон  
**ЛЕСТНИЦА — НАРВОН, ШОТИ, ЗИНА, ПИЛЛАПОЯ**  
 — аварийная — фалокат пайтида фойдаланиладиган нарвон  
 — башенная — минора зинаси  
 — веревочная — арқон нарвон  
 — винтовая — айланма зина  
 — внутренняя — ички зинапоя  
 — встроенная — оралик зина  
 — выдвижная — сурилма нарвон  
 — выносная — ташки зинапоя  
 — двухмаршевая — икки сатҳли зина  
 — запасная — эҳтиёт (қўшимча) зина  
 — катучая — чайқалувчан зина  
 — навесная — осма нарвон (зина)  
 — одномаршевая — якка сатҳли зина  
 — основная — асосий зина  
 — подшивная — деворга қадалган нарвонча  
 — приставная — тираб қўйиладиган нарвон  
 — приставная монтажной площадкой — тиклашга оид майдончали тиркама нарвон  
 — прямая — тўғри нарвон  
 — складная — йиғма (тахлама) нарвон  
 — ступенчатая — поғонали зина (нарвон)  
 — трехмаршевая — уч сатҳли зина  
 — цельномаршевая — яхлит сатҳли зинапоя

— чердачная — чордоқ, болохона зинаси (нарвони)  
— шлюзная — шлюза нарвони  
**ЛЕТУЧИЙ** — УЧУВЧАН, УЧАР (ЗАРРАЧАЛАР)

**ЛИВНЕВЫПУСК** — НОВ (ёмғир сувларини чиқариб ташловчи тешиқ)

**ЛИВНЕПРИЕМНИК** — СУВ ТЎПЛАГИЧ (ёмғир сувларини йиғувчи қурилма)

**ЛИВНЕБРОС** — ЗОВУР (ёмғир сувлари оқадиган зовур)

**ЛИВНЕСПУСК** — ЁМҒИР СУВЛАРИ ТУШИШ ЖОЙИ

**ЛИВНЕСТОК** — НОВ

**ЛИМБ** — ЛИМБ (бурчак ўлчағич асбоби)

**ЛИМИТ** — ЛИМИТ, МЕЪЁРЛАНГАН МИҚДОР

**ЛИНЕЙКА** — ЧИЗҒИЧ, ЖАДВАЛ

— визирная — кузатиш жадвали

— Дробишева — Дробишев чизғичи (координаталар ўрнини белгиловчи махсус чизғич)

— контрольная — ўлчов жадвали

— логарифмическая — логарифм чизғичи

— масштабная — масштабли чизғич

— мерная — ўлчов чизғичи

— счетная — ҳисоб жадвали

**ЛИНЕЙНЫЙ** — ЧИЗИҚЛИ

**ЛИНЗА** — ЛИНЗА (қабарик ёки ботик шаклдаги ёруғлик ўтказиш хусусиятли ойна), шиша, сатҳ

— водоносных песков — сувга тўйинган қумлар сатҳи

— грунтовых вод — сизот сувлари сатҳи

— фокусирующая — ботик (қабарик) ойна

**ЛИНИЯ** — ЧИЗИҚ, ЧЕГАРА, ҚАТОР, ТИЗМА ЙЎЛ, ЛИНИЯ

— автоматическая — автоматлашган қатор

— базисная — асосий чизик

— барьерная — чегара тўсувчи чизик

— боковая визирная — ён томондаги назорат чизиги

— винтовая — бурама чизик

— влияния — таъсир чизиги

— водопроводная — сув қувурлари линияси

— водоразделов — сув айирғичлар чегараси

— водосливная — оқова арик

— воздушная — ҳаво йўли

— геодезическая — геодезик чизик

— главная — асосий, бош чизик

— горизонтальная — ётиқ чизик

— грузовая — юк ташиш йўли

— давления — босим чегараси

— дренажная — зовур йўли

— застройки — қурилиш майдони чегараси

— изменения ската — нишабни ўзгартириш чизиги

— касетно-конвейерная — йиғма темир-бетон қолиплаш қатори

— конвейерная — узлуксиз қатор

— котлована — хандақ чегараси

— красная — лойиха бош чизиги

— кривизни — эгрилик чизиги

— линия ликвидуса — ликвидус чизиги

— маркировочная — белгилаш чизиги

— надземная — ер усти чизиги

— напорная — босим чегараси

— обрушения — қулаш, ўпирилиш чегараси

— осевая — ўқ чизиги

— отвесная — режа

— поверхности земли — ер сатҳи чизиги

— подошвенная — пойдевор тово-ни сатҳи

— поточная — узлуксиз жараён

— проектная — лойиха чизиги

— промерзания — музлаш чегараси

— пунктирная — узук-узук чизик

— пьезометрическая — сувнинг босим сатҳи чизиги

— разграничительная — чегара чизиги

— разгрузки — юк тушириш қатори

— разделительная — ажратиш чизиги

— разрушения — бузилиш, ўпирилиш сатҳи

— распределительная — тақсимлаш қатори

— скольжения — ўпирилиш сатҳи

— ступеньчатая — поғона қатори

— торцевая — ён томон чизиги

— трения — ишқалиниш чегараси

— упругая — эластиклик чегараси

— уреза води — сув сатҳи чега-  
раси  
— фильтрации — сизилиш чегараси  
— шпунтовая — тирноклар чизиги  
— электропередачи — электр уза-  
тиш линияси

**ЛИНОЛЕУМ — ЛИНОЛЕУМ**  
— **безосновой** — негизсиз линоле-  
ум  
— **на тканевой основе** — тўкима  
негизли линолеум  
— **однослойный** — якка қатламли  
линолеум  
— **рельефный** — бўртма сатҳли ли-  
нолеум  
— **синтетический** — синтетик лино-  
леум  
— **узорчатый** — нақшдор (гулли)  
линолеум

**ЛИПКИЙ — ЁПИШҚОҚ**  
**ЛИСТ — ТУНУКА, ТАХТА**  
— **алюминовый** — алюминий ту-  
нука  
— **асбестоцементный** — асбестце-  
мент тахта  
— **броневой** — зирҳланган тахта  
— **волнистый** — тўлқинсимон туну-  
ка  
— **асбестоцементный волнистый** —  
асбестцементли тўлқинсимон  
тахта  
— **гипсоволокнистый** — ганч тола-  
ли тахта  
— **древесноволокнистый** — ёғоч то-  
лалли тахта  
— **железный** — тунука  
— **карнизный** — пештоқ тахтаси  
— **коньковый** — том айиргич туну-  
каси  
— **кровельный** — том тунукаси  
— **облицовочный** — қоплама тахта  
— **облицовочный гипсовый** — ганч-  
ли қоплагич тахта  
— **обшивочный** — қоплама тахта  
— **опалубочный** — қолип тахтаси  
— **распорка** — тирговуч тахта  
— **сборный** — йиғма тахта  
— **сливной** — нов (тарнов) тунука-  
си  
— **стальной** — пўлат тахта  
— **сухой штукатурки** — курук сувок  
тахтаси  
— **фасонный** — шаклдор тахта

**ЛИСТВЕННИЦА — ТИЛОҒОЧ** (игна  
барғиларга мансуб дарахт)

**ЛИСТОВОЙ — ТАХТА, ТАХТАСИ-  
МОН**  
**ЛИТЕЙНЫЙ — ДЕГРЕЗЧИЛИК, МЕ-  
ТАЛЛ ҚУЙИШГА ОИД, ҚУЙ-  
МАЧИЛИК**  
**ЛИТЬЕ — ҚУЙИШ, ҚУЙМА**  
— **каменное** — тошга қуйиш  
— **фасонное** — андазали, шаклдор  
килиб қуйиш

**ЛИФТ — ЛИФТ**  
— **быстроходный** — тез ҳаракатла-  
нувчи лифт  
— **грузовой** — юк қўтарувчи лифт  
— **многоклеточный** — кўп хонали  
лифт  
— **пассажирский** — одам ташийдиган  
лифт

**ЛОБЗИК — ҚИЛ АРРАЧА, ГУЛПАН-  
ЖАРА АРРАСИ**  
**ЛОДЖИЯ — ПЕШАЙВОН**  
**ЛОЖБИНА — СОЙЛИК, ПАСТЛИК,  
ЖАРЛИК**  
**ЛОЖЕ — ЎЗАН, СУВ ЙЎЛИ, ЎРИН**  
— **бетонное** — бетон ўрни  
— **канала** — анҳор ўзани  
— **печное** — ўчоқ ўрни  
— **русла** — дарё ўзани

**ЛОЖКА — ҚОШИҚ**  
— **буровая** — бурғилаш қошиғи

**ЛОМ — МИСРАНГ**  
— **двухконечный** — икки учли мис-  
ранг  
— **железный** — темир мисранг  
— **пневматический** — сиқилган ҳа-  
вода ишловчи мисранг  
— **с лапкой** — куракли мисранг  
— **стальной** — пўлат мисранг

**ЛОМКИЙ — МЎРТ, ЎЗГАРУВЧАН**  
**ЛОМКОСТЬ — МЎРТЛИК**  
**ЛОПАСТЬ — ПАРРАК, КАФТ, КУ-  
РАК, ҚАНОТ**  
— **винтовая** — бурама паррак  
— **встречная** — муқобил қанот  
— **ковшевидная** — қўмчисимон ку-  
рак  
— **мешалки** — корғич кураги  
— **плоская** — ясси қанот  
— **поворотная** — бурилма курак  
— **смесительная** — қориштириш  
кураги

**ЛОПАТА — БЕЛКУРАК, КУРАК**  
— **обратная** — тесқари курак  
— **прямая** — тўғри курак  
— **штыковая** — учли белкурак

**ЛОПАТКА — КУРАКЧА**

— каменщика — фишт терувчи куракчаси  
 — направляющая — йўналтирувчи куракча  
 — штамповочная — куйма куракча  
**ЛОТОК — ТАРНОВ, НОВ**  
 — бетонный — бетон нов  
 — лоток-быстроток — ўткир нишабли нов  
 — водосборный — сув йиғгич нови  
 — водоотводящий — сув қочиргич нови  
 — водосбросный — сув ташлаш тарнови  
 — водосброс — окова арик, сув ташлайдиган нов  
 — выгрузочный — юк тўкиладиган нов  
 — дренажный — ер ости нови  
 — загрузочный — юкловчи нов  
 — качающийся — тебранувчи нов  
 — кольцевой — ҳалқасимон нов  
 — кровельный — тарнов  
 — лесоплавный — ёғоч оқишиш нови  
 — ливный — ёмғир сувлари оқадиган нов  
 — мощный — бақувват нов  
 — направляющий — йўналтирувчи нов  
 — неразрезный железобетонный — яхлит темир-бетон нов  
 — отводный — шохобча нов  
 — распределительный — тақсимловчи нов

— сборный — йиғма нов  
 — сливной — қуюлиш нови  
 — смешивающий — аралаштиргич нов  
 — ступеньчатый — поғонали нов  
 — транспортный — наклиёт нови, юк ташиш нови  
**ЛУБ — ПЎСТЛОҚ, ЧИПТАК, ТОЛА ЛУНКА — ЎЙИК, ЧУҚУРЧА**  
**ЛУЧЕНЕПРОНИЦАЕМОСТЬ — НУР (ЁРУҒЛИК) ЎТКАЗМАСЛИК**  
**ЛУЧИСТЫЙ — НУРЛИ, ШУЪЛАЛИ, НУРАФШОН, ЁРУҒ**  
**ЛЪДОБРОЗОВАНИЕ — МУЗЛАШ, МУЗ ҲОСИЛ ҚИЛИШ**  
**ЛЭП (линия электропередачи) — ЭУТ**  
 (электр узатиш тармоғи)  
**ЛЮК — ТЕШИК, ТУЙНУК**  
 — вентиляционный — шамолла-тиш тешиги  
 — загрузочный — юклав тешиги  
 — колодца — кудук қопқоғи  
 — разгрузочный — юк тушириш тешиги  
 — световой — ёруғлик туйнуғи  
 — смотровой — кузатиш туйнуғи  
 — чердачный — чордоқ туйнуғи  
 — чугунный — чўян туйнук  
**ЛЮЛЬКА — КАЖАВА**  
 — подъёмная — қўтарувчи кажава  
**ЛЮМИНЕСЦЕНТНЫЙ — ЛЮМИ-НЕСЦЕНТГА ОИД**  
**ЛЮФТ — ЛЮФТ, СИЛЖУВЧАНЛИК**  
 — осевой — ўқ люфти

## М

**МАВЗОЛЕЙ — МАҚБАРА**  
**МАГИСТРАЛЬ — БОШ ЙЎЛ, АСО-СИЙ ТАРМОҚ**  
 — газовая — газ қувурининг асосий тармоғи  
 — кольцевая — ҳалқа бош йўли  
 — магнетательная — асосий ҳайдовчи тармоқ  
 — обратная — тескари йўналган асосий тармоқ

— общегородского значения — умумшаҳар аҳамиятига молик бош йўл  
 — отопительная — иситиш тизимининг асосий тармоғи  
 — паровая — буг узатувчи асосий тармоқ  
 — разводящая — тақсимловчи асосий тармоқ  
**МАГНЕЗИТ — МАГНЕЗИТ** (магний карбонат)



— **каустический** — каустик магнетит

**МАЙОЛИКА** — КОШИН, СИРЛАН-ГАН СОПОЛ БЕЗАК

— **фасадная** — сирт кошени

**МАЛЯР** — БҮЁҚЧИ, ПАРДОЗЛОВЧИ

**МАНСАРДА** — БОЛОХОНА, КАТТА ЧОРДОҚ

— **жилая** — турар жой болохонаси

**МАРБЛИТ** — МАРБЛИТ (хира шиша)

**МАРЕОГРАФ** — МАРЕОГРАФ (сизот сувлари сатхи ўзгаришини ўлчайдиган асбоб)

**МАРКА** — МАРКА, ТАМҒА, БЕЛГИ

— **бетона** — бетон маркаси

— **визирная** — нишон тамғаси

— **проектная марка прочности бетона** — бетоннинг лойихавий мустаҳкамлик маркаси

— **стали** — пўлат маркаси

**МАРКИЗА** — СОЯБОН

— **наружная марказа** — ташки соябон

**МАРКИРОВКА** — ТАМҒАЛАШ, БЕЛГИЛАШ

**МАРКШЕЙДЕРИЯ** — МАРКШЕЙДЕРИЯ (конларни ва ер ости ишларини ўрганувчи фан)

**МАРШ** — ЗИНАПОЯ

**МАСКА** — НИҚОБ

**МАСЛО** — МОЙ, ЕҒ

**МАСЛОПРОВОД** — МОЙ УЗАТГИЧ

**МАСЛЯНО-СМОЛИСТЫЙ** — МОЙ-КАТРОНЛИ

**МАССА** — МАССА, ЛОЙ, КОРИШМА

— **белая штукатурная** — оқ сувок қоришмаси

— **гипсоволокнистая** — ганч-толали қоришма

— **горная** — тоғ жинси массаси

— **жидкая глиняная** — суюқ лой

**МАССИВ** — 1) МАССИВ, ЯХЛИТ ҚИСМ; 2) ДАҲА; 3) ҚАТЛАМ

— **массив гидротехнического сооружения** — гидротехник иншоотнинг яхлит қисми

— **горный** — тоғ қатлами

— **грунтовый** — грунт қатлами

— **жилой** — турар жой даҳаси

— **массив застройки** — қуриладиган даҳа

— **зеленый** — яшил даҳа

— **земляной** — ер қатлами

— **каменный** — тош қатлами

**МАСТЕР** — УСТА

— **дорожный** — йўлсоз уста

**МАСТЕРОК** — АНДАВА, КУРАКЧА

**МАСТЕРСКАЯ** — УСТАХОНА

— **арматурная** — ўзак тайёрлаш устахонаси

— **колерная** — буюкчилик устахонаси

— **кузнечная** — темирчилик устахонаси

— **кузнечно-сварочная** — темирчилик-пайвандлаш устахонаси

— **опалубочная** — қолип тайёрлаш устахонаси

— **передвижная** — кўчма устахона

— **подсобная** — ёрдамчи устахона

— **проектная** — лойихалаш устахонаси

— **ремонтная** — таъмирлаш устахонаси

— **сборочная** — йиғиш устахонаси

— **столярная** — дурадгорлик устахонаси

— **строительно-столярная** — дурадгорлик-қурилиш устахонаси

**МАСТИКА** — МАСТИКА, МУМ, САҚИЧ

— **асфальтовая** — асфальт муми

— **битумная** — битумли мум моддаси

— **водонепроницаемая битумная** — сув ўтказмайдиган мум

— **водоупорная** — сувга чидамли мум

— **герметизирующая** — зичловчи мум

— **дегтевая** — қора мой

— **казеино-цементная** — казеин-цементли мум

— **кислотостойкая** — ишқорбардош мум

— **конифольная** — конифол мум

— **кровельная** — том ёппа муми

— **пластичная** — юмшок мум

— **поливинилоцетатная** — поливинил-цетатли мум

— **холодная асфальтовая** — совук асфальт муми

— **холодная резина-битумная** — совук резина-битумли мастика

— **цементная** — цементли мастика

**МАСШТАБ** — МАСШТАБ, МИҚЁС, КЎЛАМ

— **масштаб высоты** — баландлик миқёси

— **горизонтальный** — уфқий йўналиш миқёси

- масштаб заложения откоса — киялик кўлами
  - масштаб плана — тарх масштаби
  - произвольный — ихтиёрый масштаб
  - масштаб снимки — сурат масштаби
  - увеличенный — йириклаштирилган масштаб
  - уменьшенный — кичрайтирилган масштаб
  - численный — сонли масштаб
- МАТ** — БЎЙРА, БОРДОН, ТЎШАМА
- из стекляной вати — шиша пахтали тўшама
  - изоляционный — химоя тўшамаси
  - минераловатный — минерал пахта тўшамаси
  - противофльтрационный — си-зишга қарши тўшама
  - хворостяной — камиш бордон
  - хворостяной — шох-шаббали тўшама

**МАТЕРИАЛ** — МАТЕРИАЛ, МОДДА, ХОМАШЁ, АШЁ

- строительные — қурилиш ашёлари
- пиломатериалы — ёғоч-тахта, тилинган ёғочлар ашёси

**МАТИЦА** — ХАРИ

**МАТРИЦА** — ЎЙМА ҚОЛИП

**МАУЭРЛАТ** — САРРОВ

**МАХВИК** — ПОСАНГИ ФИЛДИРАК, ЗАЛВОР ФИЛДИРАК

**МАЧТА** — МИНОРА, УСТУН

- бетонная монолитная — яхлит бетон устун
- вантовая — йўғон арқоли минора
- железобетонная — темир-бетон устун
- квадратного сечения — чорқирра минора
- круглая — юмалок минора
- монтажная — йиғма устун
- осветителя — ёритгич устуни
- трубчатая — қувурсимон устун

**МАШИНА** — МАШИНА, МОШИНА

- асфальтоукладочная — асфальт ётқизиш машинаси
- бетоно-отделочная — бетон пардозлаш машинаси
**ПОТРЕСКАТЬСЯ — ЁРИЛМОҚ, ДАРЗ КЕТМОҚ****ПОТУШИТЬ — ЎЧИРМОҚ, СЎНДИРМОҚ**

- пожар — ёнгинни ўчирмоқ

**ПОЧВА — ТУПРОҚ**

- болотная — ботқоқлик тупроғи
- глинистая — лойли тупроқ
- засоленная — шўр тупроқ
- известковая — охакли тупроқ
- иловатая — лойқали тупроқ
- мерзлая — музлаган тупроқ
- песчаная — қумли тупроқ
- подзолистая — қул ранг тупроқ
- пылевая — чангли тупроқ
- торфяная — торфли тупроқ
- хрящеватая — йирик қумли тупроқ

**ПОЧВЕННЫЙ — ТУПРОҚҚА ОИД****ПОЧВОВЕДЕНИЕ — ТУПРОҚШУНОСЛИК****ПОЧИНКА — ЯМАШ, ТУЗАТИШ****ПОЧИНОЧНЫЙ — ТУЗАТИШГА ОИД****ПОЯВЛЕНИЕ — ПАЙДО БЎЛИШ, КЎРИНИШ, ЮЗАГА КЕЛИШ**

- пятен — доғ пайдо бўлиши

**ПОЯС — КАМАР, БЕЛБОҒ, ТОРТҚИ**

- арки — равоқ тортқиси
- арматурный — темир ўзақли белбоғ
- на балки — тўсинлар камари

- **верхний пояс фермы** — ферманинг юкори белбоғи
- **висячий** — осма белбоғ
- **горизонтальный** — ётиқ белбоғ
- **дошчатый** — тахта белбоғ
- **из круглого леса** — ғўлалардан иборат белбоғ
- **клесный** — елимланган белбоғ
- **междуэтажный** — каватлараро белбоғ
- **монтажный** — тиклаш белбоғи
- **несущий** — юк кўтарувчи белбоғ
- **нижний** — остки белбоғ
- **обвязочный** — боғловчи камар
- **полигональный** — кўп бурчакли белбоғ
- **предохранительный** — сакловчи камар
- **промежуточный** — оралик белбоғ
- **прямоугольного сечения** — тўрт бурчак кесимли белбоғ
- **растянутый** — тортилган белбоғ
- **сейсмический** — зилзилага қарши белбоғ
- **сжатия** — қисилишга қарши белбоғ
- **фермы** — ферма белбоғи
- **цепной** — занжирли белбоғ

**ПРАВИЛА — ҚОИДАЛАР, ТАРТИВ-ИНТИЗОМ**

- **внутренней распорядки** — ички тартиб-интизом қоидалари
- **охраны труда** — меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари
- **по технике безопасности** — хавфсизлик техникаси қоидалари
- **приемки** — қабул қилиш тартиби
- **производства работ** — иш бажариш тартиби
- **строительные** — қурилиш қоидалари
- **технические** — техника қоидалари
- **эксплуатации** — фойдаланиш қоидалари

**ПРАВИЛО — РЕЖАҚЎП**

**ПРАВИЛЬНЫЙ — ТЎҒРИ, БЕХАТО**

**ПРАВКА — ТУЗАТИШ, ТЎҒРИЛАШ**

- **арматуры** — темир ўзакни тўғрилаш

**ПРАКТИКА — АМАЛИЁТ, ТАЖРИБА**

- **градостроительства** — шаҳар қурилиши амалиёти

- **современная практика строительства** — замонавий қурилиш тажрибаси
- **строительная** — қурилиш амалиёти

**ПРАКТИЧЕСКИЙ — АМАЛИЁТГА ОИД, АМАЛИЙ**

**ПРЕВРАТИТЬ — АЙЛАНТИРМОҚ, ЎЗГАРТИРМОҚ**

**ПРЕВРАЩЕНИЕ — ЎЗГАРИШ, АЙЛАНИШ**

- **структурное** — тузилишнинг ўзгариши

**ПРЕВЫСИТЬ — ОШИРМОҚ, ОШИРИБ ЮБОРМОҚ**

**ПРЕВЫШЕНИЕ — ОШИРИШ, ОШИРИБ ЮБОРИШ**

- **прочности** — мустаҳкамликни ошириш

**ПРЕГРАДА — ТЎСИК, ҒОВ**

**ПРЕДВАРИТЕЛЬНО — ОЛДИНДАН**

- **нагретый** — олдиндан иситилган
- **напряженный** — олдиндан зўриқтирилган
- **смешанный** — олдиндан аралаштирилган
- **собранный** — олдиндан йиғилган
- **уплотнять** — олдиндан зичламоқ, шиббаламоқ

**ПРЕДВАРИТЕЛЬНЫЙ — ДАСТЛАБКИ, ОЛДИНГИ**

**ПРЕДЕЛ — ЧЕГАРА**

- **верхний предел текучести** — оқувчанликнинг юкори чегараси
- **выносливости** — чидамлик чегараси
- **допускаемый** — руҳсат этилган чегара
- **мощности** — қувват чегараси
- **нагрузки** — юклаш чегараси
- **напряжения** — зўриқиш чегараси
- **нижний предел текучести** — оқувчанликнинг куйи чегараси
- **огнестойкости** — ўтга чидамлик чегараси
- **осадки** — чўқиш чегараси
- **относительного удлинения** — нисбий узайиш чегараси
- **охлаждения** — совий чегараси
- **пластичности** — юмшоқлик чегараси
- **погрешности** — хатолик чегараси
- **ползучести** — силжиш чегараси

- пропорциональности — мутаносиблик чегараси
  - прочности — мустаҳкамлик чегараси
  - прочности в влажном состоянии — нам ҳолатдаги мустаҳкамлик чегараси
  - прочности при кручении — буралишдаги мустаҳкамлик чегараси
  - прочности при многократном изгибе — такрорланувчи эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси
  - прочности при поперечном сжатии — кўндаланг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси
  - прочности при продольном изгибе — бўйлама эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси
  - прочности растяжению — чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси
  - прочности при сдвиге — силжишдаги мустаҳкамлик чегараси
  - прочности при скалывании — ёрилишдаги мустаҳкамлик чегараси
  - раскатывания — ёйиш чегараси
  - растяжимости — чўзилиш чегараси
  - расчетный предел прочности — ҳисобий мустаҳкамлик чегараси
  - сопротивления — қаршилиқ чегараси
  - сцепления — боғланиш чегараси
  - текучести арматурной стали — темир ўзакнинг оқиш чегараси
  - текучести при изгибе — эгилишдаги оқиш чегараси
  - текучести при растяжении — чўзилишдаги оқиш чегараси
  - упругости — эластиклик чегараси
  - усадки — киришиш (чўкиш) чегараси
- ПРЕДМЕТ — НАРСА, БУЮМ**  
— домашнего обихода — уй-рўзгор буюми
- ПРЕДОПРЕДИТЕЛЬ — ОЛДИНДАН БЕЛГИЛАМОҚ**
- ПРЕДОТВРАТИТЬ — ОЛДИНИ ОЛМОҚ, ЭХТИЁТ ЧОРАСИНИ КЎРМОҚ**
- ПРЕДОВРАЩЕНИЕ — ОЛДИНИ ОЛИШ, ЭХТИЁТ ЧОРАСИНИ КЎРИШ**
- коррозии — занглашининг олдини олиш
  - образования трещин — ёриқлар пайдо бўлишининг олдини олиш
  - повреждения — шикастланишининг олдини олиш
- ПРЕДОХРАНЕНИЕ — САҚЛАШ, МУХОФАЗА КИЛИШ**  
— древесины от гниения — ёғочни чиришдан сақлаш
- наружной поверхности — ташки юзани эхтиёт қилиш
  - от оползания — ўпирилишдан сақлаш
- ПРЕДОХРАНИТЕЛЬ — САҚЛАГИЧ**  
— плавкий — эрувчан сақлагич
- ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ — ОЛДИНИ ОЛИШ, ОҒОҲЛАНТИРИШ**  
— аварии — бузилишининг олдини олиш
- поврежденный — шикастланишининг олдини олиш
  - поломок — синиш ҳақида оғоҳлантириш
  - ржавения — занглашининг олдини олиш
- ПРЕЙСКУРАНТ — ПРЕЙСКУРАНТ** (нархларга оид руйхат), **НАРХНОМА**
- ПРЕЛОМИТЬ — СИНДИРМОҚ, СИНДИРИБ ҚЎЙМОҚ**
- ПРЕЛОМЛЕНИЕ — СИНИШ, СИНДИРИШ**  
— лучей — нурларнинг синиши
- света — ёруғликнинг синиши
- ПРЕЛОМЛЯТЬ — СИНДИРМОҚ, СИНДИРИБ ҚЎЙМОҚ**
- ПРЕПЯТСТВИЕ — ТЎСИҚ, ҒОВ**
- ПРЕСС — ПРЕСС, ИСКАНЖА, ТАХТАКАЧ**
- ПРЕССОВАНИЕ БЕТОНА — БЕТОННИ ЗИЧЛАШ**
- ПРЕССОВЩИК — ПРЕССЛОВЧИ, ЗИЧЛОВЧИ**
- ПРИБИВАТЬ, ПРИБИТЬ — ҚОҚМОҚ**  
— гвозд — миҳ қоқмоқ
- ПРИБОР — АСБОБ, АСБОБ-АНЖОМ**  
— нагревательный — қиздирувчи асбоб-анжомлар
- оконный — дераза асбоб-анжомлари
  - отопительный — иситиш асбоби
  - санитарно-технический — санитария техникаси асбоб-анжомлари

— электронагревательный —  
электр киздириш асбоби

**ПРИБОРОСТРОЕНИЕ** — АСБОБСОЗ-  
ЛИК

**ПРИБРАТЬ** — ЙИҒИШТИРМОҚ, ТО-  
ЗАЛАМОҚ

**ПРИБЫЛЬ** — ФОЙДА, ДАРОМАД

**ПРИВАРИВАНИЕ** — ПАЙВАНДЛАШ

**ПРИВАРКА** — ПАЙВАНДЛАБ УЛАШ

**ПРИВАРИВАТЬ** — ПАЙВАНДЛА-  
МОҚ

**ПРИВИНТИТЬ, ПРИВИНЧИВАТЬ** —  
БУРАБ ҚҰЙМОҚ, БУРАМОҚ

**ПРИВОД** — ЮРИТ ҒА

**ПРИВЯЗАТЬ, ПРИВЯЗЫВАТЬ** —  
БОҒЛАМОҚ

**ПРИВЯЗКА** — БОҒЛАШ, УЛАШ,  
МОСЛАШ

— зданий — бинони мослаш

— разбивочной оси — режа ўқиға  
нисбатан боғлаш

— типового проекта — андазаға,  
лойихаға мослаш

**ПРИГОДНОСТЬ** — ЯРОҚЛИЛИК

— грунта — грунтнинг яроқлилиги

**ПРИГОДНЫЙ** — ЯРОҚЛИ

— для жилья — яшаш учун яроқли

**ПРИГОНКА** — ЖОЙИГА МОСЛАШ

**ПРИГОНЯТЬ** — ЖОЙИГА МОСЛА-  
МОҚ

**ПРИГОРОДНЫЙ** — ШАҲАР АТРО-  
ФИГА ОИД

**ПРИГОТОВЛЕНИЕ** — ТАЙЁРЛАШ,  
ТАЙЁРГАРЛИК ҚҰРИШ

— бетонной смеси — бетон ко-  
ришмасини тайёрлаш

— горячей воды — иссиқ сувни  
тайёрлаш

**ПРИГРУЗКА** — ЮК, ОФИРЛИК, БО-  
СИМ

— гравийная — шағал юки

— динамическая — ўзгарувчан юк  
офирлиги

— статическая — мувозанат юки  
офирлиги

**ПРИДАВАТЬ ШЕРОХОВАТОСТЬ** —  
ҒАДИР-БУДУР ҚИЛИШ

**ПРИЕМ** — УСУЛ

**ПРИЕМКА** — ҚАБУЛ ҚИЛИШ

— в эксплуатацию — фойдала-  
чишға қабул қилиш

— здания — бинони қабул қилиш

— земляных работ — тупроқ иш-  
ларини қабул қилиш

— изделий — маҳсулотни қабул  
қилиш

— машины — машинани қабул қи-  
лиш

— постройки — қурилишни қабул  
қилиш

— работ — ишларни қабул қи-  
лиш

— штукатурных работ — сувоқ иш-  
ларини қабул қилиш

**ПРИЖИМ** — ҚИСҚИЧ

— эксцентриковый — марказдан  
кочма қисқич

**ПРИЗМА** — ПРИЗМА

**ПРИЗМАТИЧЕСКИЙ** — ПРИЗМАСИ-  
МОН, ПРИЗМА ШАКЛИДАГИ

**ПРИЗМЕННЫЙ** — ПРИЗМАГА ОИД

**ПРИЗНАК** — БЕЛГИ, АЛОМАТ, НИ-  
ШОН

**ПРИКАТИТЬ** — ДУМАЛАТМОҚ,  
ҒИЛДИРАТМОҚ

**ПРИКЛАДНОЙ** — АМАЛИЙ

**ПРИКЛАДЫВАТЬ НАГРУЗКУ** —  
КУЧ ҚҰЙМОҚ, ЮКЛАМОҚ

**ПРИКЛЕИВАТЬ** — ЁПИШТИРМОҚ

**ПРИКРЕПИТЬ, ПРИКРЕПЛЯТЬ** —  
МАҲКАМЛАМОҚ

**ПРИКРЕПЛЕНИЕ** — МАҲКАМЛАШ,  
БИРИКТИРИШ

— башмака — пойдеворни маҳкам-  
лаш

— шпонками — пона ёрдамида  
маҳкамлаш

**ПРИКРЫВАТЬ** — ЁПМОҚ, КОПЛА-  
МОҚ, БЕКИТМОҚ

**ПРИЛЕГЕНИЕ** — ТУТАШУВ, ЁПИ-  
ШУВ

— плотное — тигиз туташув

**ПРИЛОЖЕНИЕ** — ҚҰЙИЛИШ, БО-  
СИШ, САРФЛАНИШ

— внецентренное приложение сжи-  
мающих сил — сиқувчи кучлар-  
нинг номарказий қўйилиши

— нагрузки — юкнинг қўйилиши

— нормальной силы — тик кучнинг  
қўйилиши

— силы — кучнинг қўйилиши

— труда — меҳнат сарфи

— центральное приложение си-  
лы — кучнинг марказий қўйи-  
лиши

**ПРИМЕНЕНИЕ** — ҚҰЛЛАШ, ТАД-  
БИҚ ҚИЛИШ

**ПРИМЕНИМОСТЬ** — ҚҰЛЛАНИШ-  
ЛИК, ТАТБИҚ ЭТИЛИШЛИК

**ПРИМЕСЬ** — АРАЛАШМА

— вредная — зарарли аралашма

- **загрязняющая** — ифлосланти-радиган аралашма
  - **металлическая** — металл аралашмасы
  - **негорючая** — ёнмайдиган аралашма
  - **органическая** — органик аралашма
  - **посторонняя** — ташки аралашма
  - ПРИМЫКАНИЕ** — ТУТАШУВ, БИРЛАШУВ
    - **дорог** — йўллар туташуви
    - **кровли** — топ ёпма туташуви
    - **перегородки** — пардевор бирлашуви
    - **перекрытия** — ора ёпмалар туташуви
    - **пола** — полнинг бирикиши
    - **стержня** — ўзакнинг туташуви
  - ПРИОСТАНАВЛИВАТЬ** — ТЎХТАТМОК, ТЎХТАТИБ ҚЎЙМОК
    - **строительства** — курилишни тўхтатмоқ
  - ПРОИЗВОДСТВО** — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ҚОРХОНА
  - ПРИПАЙКА** — ЁПИШТИРИШ, КАВШАРЛАШ
  - ПРИРУБ** — ЁРИШ
  - ПРИСАДКА** — ҚОПЛАШ
  - ПРИСОЕДИНЕНИЕ** — ҚЎШИЛИШ, УЛАШ
    - **временное присоединение к инженерным сетям** — муҳандислик тармоқларига вақтинча улаш
    - **домовое** — уйнинг қўшилиши
  - ПРИСОС** — СЎРГИЧ
    - **воздуха** — ҳаво сўргич
  - ПРИСПОСАБЛИВАТЬ** — МОСЛАМОК
  - ПРИСПОСОБЛЕНИЕ** — МОСЛАМА
    - **аппарата** — аппарат мосламаси
    - **вспомогательное** — қўшимча мослама
    - **вытяжное** — сўрувчи мослама
    - **грузозахватное** — юк қамрагич мослама
    - **для заделки стыковых соединений** — чоклагич мосламаси
    - **для закрепления** — маҳкамлагич мосламаси
    - **для опрокидывания** — ағдаргич мосламаси
    - **для передвижения** — ҳаракатлантириш мосламаси
  - **для подвешивания** — илиш мосламаси
  - **для подъема** — кўтариш мосламаси
  - **для прижимания** — сиқиш мосламаси
  - **зажимное** — қискич мослама
  - **закладное** — ёпиштиргич мослама
  - **изгибающее** — ёпувчи мослама
  - **захватное** — қамрагич мослама
  - **защитное** — муҳофаза мосламаси
  - **измерительное** — ўлчов мосламаси
  - **нажимное** — сиқувчи мослама
  - **натяжное** — тарангловчи мослама
  - **питающее** — таъминловчи мослама
  - **плющильное** — яссилагич мослама
  - **поворотное** — бурувчи мослама
  - **погрузочное** — ортқич мослама
  - **подъемное** — кўтаргич мослама
  - **предохранительное** — сақлагич мослама
  - **пусковое** — ишга тушириш мосламаси
  - **разгрузочное** — юк туширгич мосламаси
  - **распорное** — тиргович мослама
  - **сменное** — алмаштирма мослама
  - **смесительное** — аралаштиргич мослама
  - **специальное** — махсус мослама
  - **стяжное** — торгич мослама
  - **тормозное** — тўхтатгич мослама
  - **упорное** — таянч мослама
  - **уравновешивающее** — мувозанатлаштирувчи мослама
- ПРИСТРАИВАТЬ** — ТУТАШТИРИБ ҚЎРМОК
  - ПРИСТРОЙКА** — ТУТАШ БИНО
  - ПРИТОЛОКА** — ЁНДОР, ТЕПАДОР, КЕСАКИ
    - **дверная** — эшик кесақиси
    - **оконная** — дераза кесақиси
  - ПРИТОРЦОВАННЫЙ** — ЁН СИРТИ ИШЛАНГАН
  - ПРИХОЖАЯ** — ДАҲЛИЗ
  - ПРИЦЕП** — ТИРҚАМА, ШАТАК АРАВА
    - **большегрузный** — узун юк тирқамаси

— гусеничный — занжирли тиркама  
 — двухосный — кўш ўқли тиркама  
 — одноосный — бир ўқли тиркама  
 — самосвал — ўзи ағдарувчи шатак арава

**ПРИЦЕПИТЬ** — ТИРКАМОК, УЛАМОК

**ПРИШЛИФОВАТЬ** — ТЕКИСЛАМОК, СИЛЛИҚЛАМОК

**ПРОБА** — НАМУНА, СИНАШ

— воды — сув намунаси  
 — буровая — бургилаб синаш  
 — грунта — грунт намунаси  
 — на излом — сиинишга синаш  
 — на кипячение цементного шарика — цемент золдирини кайна-тиб синаш  
 — предварительная — олдиндан синаш  
 — ударная — зарб билан синаш  
 — шариковая — золдир ботириб синаш

**ПРОБЕТНИРОВАНИЕ** — БЕТОНЛАШ, БЕТОН ЁТҚИЗИШ

**ПРОБИВАТЬ** — ТЕШМОК, ТЕШИБ ЎТМОК

**ПРОБІВКА** — ТЕШИШ, ТЕШИБ ЎТИШ, ОЧИШ

— отверстия — тешик очиш

**ПРОБИРКА** — ПРОБИРКА

**ПРОБКА** — ПЎКАК, ТИКИН, ҚАЛҚОВИЧ

**ПРОВАЛ** — ЕМИРИЛИШ, ЎПИРИЛИШ, ҚУЛАШ

**ПРОВЕДЕНИЕ** — ЎТКАЗИШ, ЧИЗИШ

— дороги по путепроводу — кўприк устидан йўл ўтказиш  
 — опыта — тажриба ўтказиш  
 — прямой линии — тўғри чизик чизиш

**ПРОВЕРКА** — ТЕКШИРИШ

— визуальная — кўз билан чама-лаб текшириш  
 — качества — сифатни текшириш  
 — на герметичность — чоклар бутунлигини текшириш  
 — на устойчивость — турғунликни текшириш  
 — прочности — мустаҳкамликни текшириш  
 — размеров — ўлчамларни текшириш  
 — сечения — кесимни текшириш

— экспериментальная — тажрибада текшириш

**ПРОВЕРЯТЬ** — ТЕКШИРМОК

**ПРОВЕС** — СОЛКИЛИК, ОСИЛИБ ТУРИШ

— ленты — тасманинг солкилиги  
 — проводов — симларнинг солкилиги

**ПРОВЕТРИВАНИЕ** — ШАМОЛЛАТИШ

**ПРОВЕШИВАНИЕ** — ОСИБ ЎТКАЗИШ

— линий — тармоқларни осиб ўтказиш

**ПРОВОД** — СИМ, ЎТКАЗГИЧ

— ввода — киритиш сими  
 — гибкий — эгилювчан сим  
 — голый — очик сим  
 — изолированный — копламали сим  
 — контактной сети — туташ тармоқ сими  
 — питающий — таъминлаш сими  
 — электрический — электр сими

**ПРОВОДИМОСТЬ** — ЎТКАЗУВЧАНЛИК

**ПРОВОДИТЬ** — ЎТКАЗМОК, ЧИЗМОК

— линию — чизик ўтказмоқ (чизмоқ)

**ПРОВОДКА** — 1) ЎТКАЗИШ; 2) СИМЛАР

— осветительная — ёритиш сими ўтказиш  
 — открытая — очик сим

**ПРОВОДНИК** — ЎТКАЗГИЧ

— влаги — нам ўтказгич  
 — тепла — иссиқлик ўтказгич  
 — холода — совук ўтказгич

**ПРОВОЛОКА** — СИМ, ИНГИЧКА СИМ

**ПРОГИБ** — 1) ЭГИШ, ЭГИЛИШ, БУКИШ, БУКИЛИШ; 2) ЭГИК, БУКИК, ЭГИЛГАН (БУКИЛГАН) ЖОЙ

— облоочки — кобикнинг букилиши  
 — обратный — тескари эгилиш  
 — относительный — нисбий эгилиш  
 — поперечный — кўндаланг эгилиш  
 — разрушающий — бузувчи эгилиш  
 — стыка — чокнинг эгилиши  
 — теоретический — назарий эгилиш

- упругий — эластик эгилиш
- ПРОГИБАТЬ** — ЭГМОК, БУКМОК
- ПРОГИБОМЕР** — ЭГИЛИШНИ ҮЛЧА-ГИЧ (асбоб)
- ПРОГНОЗ** — БАШОРАТ
  - погоды — об-хавони башорат-лаш
- ПРОГОН** — САРРОВ, ТАЯНЧ, ТҮ-СИН, ХАРИ
- ПРОГОРАНИЕ** — ЁНИШ, ЁНИБ БҮ-ЛИШ
- ПРОГРАММИРОВАНИЕ** — ДАСТУР ТУЗИШ, ДАСТУРЛАШ
- ПРОГРЕТЬ** — ИСИТИШ, ҚИЗДИ-РИШ
  - грунта — грунтни қиздириш
  - паровой — буғ ёрдамида иситиш
  - помещение — хонани иситиш
  - предварительный — дастлабки иситиш
  - электрический периферийный прогрев бетона — бетонни чет-дан электр ёрдамида қиздириш
- ПРОДОЛБИТЬ** — УРИБ ТЕШМОҚ
- ПРОДУВКА** — ДАМ БЕРИБ (хаво юбориб) ТОЗАЛАШ
- ПРОДУХ** — ТУЙНУК, ТЕШИК
  - поперечный — қўдаланг туй-нук
  - продольный — бўйлама туй-нук
  - холодный — совук ўтказувчи туйнук
- ПРОЕЗД** — ТОР ЙЎЛ, КАТНОВ ЙЎЛИ, ТОР КЎЧА
  - внутренний — ички катнов йўли
  - внутриквартальный — мавзе тор кўчаси
  - городской — шаҳар катнов йўли
  - местный — маҳаллий тор кўча
  - одностороннего движения — бир томонлама катнов йўли
- ПРОЕКТ** — ЛОЙИХА
  - застройки — қурилиш лойихаси
  - конкурсный — танлов лойихаси
  - окончательный — якунловчи ло-йиха
  - организации работ — ишни ташкил этиш лойихаси
  - организации строительства — қурилишни ташкил этиш лойи-ҳаси
  - планировки — текислаш лойи-ҳаси
  - повторно-применяемый — қай-тадан қўлланиладиган лойиха
  - повторный — қайтадан тузилган лойиха
  - постройки — иморат лойихаси
  - рабочий — ишчи лойиха, иш юритиш лойихаси
  - реставрации — таъмирлаш лойи-ҳаси
  - строительный — қурилиш лойи-ҳаси
  - технический — техник лойиха
  - типовой — андаза лойиха
  - эскизный — хомаки лойиха
- ПРОЕКТАНТ** — ЛОЙИХАЧИ
- ПРОЕКТИРОВАНИЕ** — ЛОЙИХА-ЛАШ
- ПРОЕКТИРОВАТЬ** — ЛОЙИХАЛА-МОҚ
- ПРОЕКТИРОВКА (ЭСКИЗНАЯ)** — ЛОЙИХАЛАШ (чизмада)
- ПРОЕКЦИЯ** — ПРОЕКЦИЯ
- ПРОЕМ** — ОЧИК, ҲРИН, ТЕШИК, ДЕРАЗА (ЭШИК) ҲРНИ
  - в стене — девордаги тешик
  - ворот — дарвоза Ҳрни
  - дверной — эшик Ҳрни
  - для фонаря — томойна тешиги
  - оконный — дераза Ҳрни
  - световой — ёруглик тушадиган тешик
- ПРОЗРАЧНОСТЬ** — ТИНИҚЛИК, ШАФФОФЛИК
- ПРОИЗВОДИТЕЛЬ РАБОТ (ПРО-РАБ)** — ИШ БОШИ, ИШ БОШҚА-РУВЧИ
- ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТЬ** — ИШ УНУМДОРЛИГИ, УНУМДОР-ЛИК
  - годовая — йиллик иш унумдор-лиги
  - дневная — кунлик иш унумдор-лиги
  - крана — юк қўтаргичнинг иш унумдорлиги
  - максимальная — энг юкори иш унумдорлиги
  - машины — машинанинг иш унумдорлиги
  - минимальная — энг кам иш унумдорлиги
  - насоса — насоснинг иш унумдор-лиги
  - номинальная — меъёрдаги иш унумдорлиги
  - полная — тўлик иш унумдор-лиги

- предприятия — корхонанинг иш унумдорлиги
- проектная — лойиҳада белгиланган иш унумдорлиги
- рабочего цикла — иш цикли унумдорлиги
- расчетная — ҳисобий иш унумдорлиги
- теоретическая — назарий иш унумдорлиги
- техническая — техник иш унумдорлиги
- труда — меҳнат унумдорлиги
- удельная — солиштирма иш унумдорлиги
- часовая — бир соатлик иш унумдорлиги
- эксплуатационная — фойдаланиш унумдорлиги

**ПРОИЗВОДСТВО — ИШЛАБ ЧИКАРИШ, КОРХОНА, ИШ БАЖАРИШ**

- арматуры — ўзақ ишлаб чиқариш
- деревообработки — ёғочни қайта ишлаш корхонаси
- железобетонных изделий — темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- заводское — корхонада ишлаб чиқариш
- земляных работ — тупроқ ишларини бажариш
- кирпичное — ғишт ишлаб чиқариш
- лепных работ — ёпиштириш ишларини бажариш
- панелей — панелларни ишлаб чиқариш
- подсобное — ёрдамчи ишлаб чиқариш
- поточно-конвейерное — узлуксиз ишлаб чиқариш
- серийное — оммавий ишлаб чиқариш
- строительных работ — қурилиш ишларини бажариш
- штучное — доналаб ишлаб чиқариш

**ПРОКАТ** — 1) ПРОКАТ, ЯХЛИТ ЛИСТ, 2) ИЖАРАГА БЕРИШ  
— круглый стальной — доира шаклидаги прокат  
— полосовой стальной — тасмасимон пўлат лист

**ПРОКАЧИВАТЬ — ДАМ БЕРМОҚ**  
**ПРОКЛАДКА** — 1) КИСТИРМА, КАТЛАМ; 2) ЁТҚИЗИШ, ЎТКАЗИШ

- асбестовая — асбест кистирма
- влагоизолирующая — намлик ўтказмайдиган қатлам
- водонепроницаемая — сув ўтказмайдиган қатлам
- войлочная — кигиз кистирма
- герметизирующая — зичловчи кистирма
- гидроизоляционная — суюқлик ўтказмайдиган қатлам
- деревянная — ёғоч кистирма
- звукоизоляционная — товуш ўтказмайдиган қатлам
- изоляционная — ҳимоя қатлами
- кабелей — кабелларни ўтказиш
- картонная — картон кистирма
- каучуковая — каучук кистирма
- ленточная — тасмасимон кистирма
- монтажная — тиклаш кистирмаси
- надземная прокладка трубопроводов — ер устидан қувур ўтказиш
- подземных сетей — ер ости тармоқларини ўтказиш
- резиновая — резина кистирма
- свинцовая — қўргошин кистирма
- трассы — йўл ўтказиш
- трубопроводов — қувур ётқизиш
- уплотнительная — зичловчи кистирма
- упругая эластичная — эгилувчан қайишқоқ кистирма
- центрирующая — марказлаштирувчи кистирма

**ПРОКЛАДЫВАТЬ — ЁТҚИЗМОҚ, ЎТКАЗМОҚ**

**ПРОКОНОВАТИТЬ — ТИРҚИШЛАРНИ БЕРКИТМОҚ**

**ПРОКОНТРОЛИРОВАТЬ — НАЗОРАТ ҚИЛМОҚ, ТЕКШИРМОҚ**

**ПРОКОП — ХАНДАҚ**

**ПРОЛЕТ — ОРАЛИҚ, БЎШЛИҚ**  
(таянчлар орасидаги масофа), ҚУЛОЧ

- балочный — тўсин оралиғи
- внутренний — ички оралиқ
- моста — кўприк қулочи
- мостового крана — кўприк кран қулочи
- поперечный — кўндаланг оралиқ
- предельный — чекланган оралиқ
- продольный — бўйлама оралиқ
- расчетный — ҳисобий оралиқ



- панели — панел таянчлари оралиги (кулочи)
- свода — гумбаз таянчлари оралиги (кулочи)
- ПРОМАЗАТЬ — СУРТМОК, СУРКАМОК, СУВАМОК**
- ПРОМАЗКА — СУРКАШ, БЕРКИТИШ**
  - глиной — лой суркаш
  - швов — ёриқларни беркитиш
- ПРОМАЧИВАНИЕ — ХЎЛЛАШ, НАМЛАШ**
- ПРОМАЧИВАТЬ — ХЎЛЛАМОК, НАМЛАМОК**
- ПРОМЕР — ЎЛЧАШ**
- ПРОМЕРЗАНИЕ — МУЗЛАШ**
  - грунта — грунтнинг музлаши
  - сезонное — мавсумий музлаш
- ПРОМЕРЗАТЬ — МУЗЛАМОК**
  - насквозь — бутунлай музламоқ
- ПРОМЕШАТЬ — АРАЛАШТИРМОК, ҚОРМОК**
- ПРОМЕШИВАНИЕ — АРАЛАШТИРИШ, ҚОРИШ**
- ПРОМЗДАНИЕ — САНОАТ БИНОСИ**
- ПРОМОКАНИЕ — ИВИШ, НАМЛАНИШ**
  - потолка — шифтнинг намланиши
- ПРОМПРЕДПРИЯТИЕ — САНОАТ ҚОРХОНАСИ**
- ПРОМЫВКА — ЮВИШ**
  - ила — балчиқни ювиш
- ПРОМЫШЛЕННОСТЬ — САНОАТ**
  - керамическая — сопол буюмлар саноати
  - строительная — қурилиш саноати
  - строительных материалов — қурилиш материаллари саноати
- ПРОНИЦАЕМОСТЬ — ЎТКАЗУВЧАНЛИК**
  - бетона — бетоннинг ўтказувчанлиги
  - грунта — грунтнинг ўтказувчанлиги
- ПРОЛИФИТЬ — ОЛИФЛАМОҚ**
- ПРОПАРИВАНИЕ — БУҒЛАШ, БУҒЛАТИШ**
  - бетона — бетонни буғлаш
  - под давлением — босим остида буғлаш
- ПРОПИЛ — АРРА ЎРНИ**
- ПРОПИТАТЬ — СИНГДИРМОК, ШИМДИРМОК**
- ПРОПИТКА — СИНГДИРИШ, ШИМДИРИШ**
  - в вакууме — ҳавосиз бўшлиқда сингдириш
  - вторичная — иккиламчи сингдириш
  - древесины — ёғоч-тахтани шимдириш
  - погружением — чўктириб шимдириш
- ПРОПОРЦИОНАЛЬНОСТЬ — МУТАНОСИБЛИК**
- ПРОПОРЦИЯ — МУТАНОСИБЛИК, ТЕНГЛИК**
  - возрастающая — ошиб борувчи мутаносиблик
- ПРОПУСК — ЎТКАЗИШ**
  - воздуха — ҳавони ўтказиш
  - дороги — йўл ўтказиш
- ПРОРАБ — қ. Производитель работ**
- ПРОРАН — ПРОРАН** (тўғон қуришда вақтинча қолдирилган очик жой)
- ПРОРЕЗ — КЕСИК, ТЕШИК**
- ПРОРУБЬ — ЎЙИҚ**
- ПРОРЫВ — ЁРИБ ЎТИШ**
  - воды — сувнинг ёриб ўтиши
  - дамбы — тўғонни ёриб ўтиш
  - грунта — грунтни ёриб ўтиш
- ПРОСАДКА — ЎТА ЧЎКИШ**
  - грунта — грунтнинг ўта чўкиши
  - последующая — навбатдаги ўта чўкиш
- ПРОСАДОЧНОСТЬ — ЎТА ЧЎКУВЧАНЛИК**
- ПРОСАЧИВАНИЕ — СИЗИБ КИРИШ**
  - грунтовой воды — сизот сувининг сизиб кириши
- ПРОСВЕРЛИТЬ — ПАРМАЛАМОҚ, ПАРМАЛАБ ТЕШМОҚ**
- ПРОСВЕТ — МАСОФА, ДЕРАЗА ЁКИ ЭШИК ЎРНИ**
  - между балками — тўсинлар орасидаги масофа
  - под мостом — қўприк тагидаги масофа
  - промежуточный — оралик масофа
- ПРОСВЕТИТЬ — ЁРИТМОҚ, ТЕКШИРМОҚ**
  - струйный рентгеновскими лучами — қурилмаларни рентген нурлари ёрдамида текширмоқ
  - швов гамма лучами — чокларни гамма нурлари ёрдамида текширмоқ
- ПРОСЕИВАНИЕ — ЭЛАШ**

— мокрое — хўл ҳолда элаш  
 — на грохоте — ғалвирда элаш  
 — сухое — курук ҳолда элаш  
 — тонкое — майин элаш

**ПРОСЛОЙКА** — КАТЛАМ, ЮПҚА  
**КАТЛАМ**  
 — за наружным слоем — сиртки  
 қатлам ортидаги юпқа қатлам  
 — водонепроницаемая — сув синг-  
 дирмайдиған қатлам  
 — воздушная — ҳаво қатлами  
 — изолирующая — химояловчи юп-  
 қа қатлам  
 — ледяная — юпқа муз қатлами  
 — песчаная — юпқа кум қатлами  
 — прерывающаяся — ажратувчи қат-  
 лам  
 — сплошная воздушная — туташ  
 ҳаво қатлами  
 — упругая — эластик қатлам

**ПРОСМАЛИВАТЬ** — КАТРОНЛАМОҚ  
**ПРОСОЧИТЬСЯ** — СИЗИБ КИРМОҚ

**ПРОСТЕНОК** — ПАРДЕВОР (икки  
 дераза ёки эшик орасидаги девор)

**ПРОСТРАНСТВО** — ФАЗО, БЎШЛИҚ  
 — безвоздушное — ҳавосиз бўш-  
 лик  
 — внутреннее — ички бўшлиқ  
 — воздушное — ҳаво бўшлиғи  
 — замкнутое — ёпик бўшлиқ  
 — заобделочное — пардоз орти  
 бўшлиғи  
 — между венцами — чорчўп ора-  
 сидаги бўшлиқ  
 — междубалочное — тўсинлараро  
 бўшлиқ  
 — междудонное — тагликлараро  
 бўшлиқ  
 — междуферменное — фермалар-  
 аро бўшлиқ  
 — межклеточное — катаклараро  
 бўшлиқ  
 — межфонарное — томойналараро  
 бўшлиқ  
 — поровое — ғовак бўшлиғи  
 — разреженное — сийраклашган  
 бўшлиқ  
 — свободное — эркин бўшлиқ

**ПРОСТУП** — СИРТИГА ЧИҚИШ, ТО-  
 ШИШ

**ПРОСУШЕННЫЙ** — ҚУРИТИЛГАН

**ПРОТАРИРОВАННЫЙ** — СОЗЛАН-  
 ГАН

**ПРОТАСКИВАНИЕ** — СУДРАБ КЕЛ-  
 ТИРИШ

**ПРОТЕКАНИЕ** — ОҚИБ ЎТИШ, ДА-  
 ВОМ ЭТИШ  
 — безнапорное — босимсиз оқиб  
 ўтиш  
 — обратное — тескари оқиб ўтиш

**ПРОТЕКАТЬ** — ОҚИБ ЎТМОҚ

**ПРОТИВОВЕС** — ПОСАНГИ  
 — передвижной — кўчма посанги

**ПРОТИВОВЛАЖНОСТНЫЙ** — НАМ-  
 ГА ҚАРШИ

**ПРОТИВОДАВЛЕНИЕ** — АКС БО-  
 СИМ  
 — фильтрационное — сизишдаги  
 акс босим

**ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ** — ҚАРШИ ҲА-  
 РАКАТ, АКС ҲАРАКАТ  
 — вертикальное — тик йўналиш-  
 даги қарши ҳаракат  
 — горизонтальное — ётик йўна-  
 лишдаги қарши ҳаракат

**ПРОТИВОЗАЛИВАЮЩИЙ** — ЛОЙ-  
 КАЛАНИШГА ҚАРШИ

**ПРОТИВОБВАЛЬНЫЙ** — ЎПИРИ-  
 ЛИШГА ҚАРШИ

**ПРОТИВОПОЖАРНЫЙ** — ЁНҒИН-  
 ГА ҚАРШИ

**ПРОТИВОТОЧНЫЙ** — ОҚИМГА  
 ҚАРШИ

**ПРОТИВОФИЛЬТРАЦИОННЫЙ** —  
 СИЗИШГА ҚАРШИ

**ПРОТЯЖЕННОСТЬ** — МАСОФА, КЎ-  
 ЛАМ, УЗУНЛИК  
 — канализационный сети — чикин-  
 ди тармоғининг узунлиги  
 — сети — тармок узунлиги  
 — швов — чок узунлиги

**ПРОУШИНА** — ТЕШИК, ҲАЛҚА  
 — анкера — зулфин халқаси  
 — монтажная — тиклаш халқаси

**ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ** — КАСБГА  
 ОИД

**ПРОФИЛЬ** — 1) КЕСИМ; 2) ЁН ТО-  
 МОН, ЁНДАН КЎРИНИШ  
 — выемки — ўйик кесими  
 — выпуклый — қабарик кесим  
 — грунта — грунт кесими  
 — двускатный — кўш нишабли  
 кесим  
 — дороги — йўл кесими  
 — здания — бино кесими  
 — круглый — думалок кесим  
 — местности — жой кесими  
 — нивелировочный — нивелирлаш  
 кесими  
 — односкатный — бир нишабли  
 кесим

— периодический — даврий кесим  
 — пилообразный — аррасимон кесим  
 — поперечный — кўндаланг кесим  
 — продольный — бўйлама кесим  
**ПРОХОД — ЎТИШ, ЎТИШ ЙЎЛИ**  
 — вибратора — титратгичнинг ўтиш йўли  
 — катка — галтак машинанинг ўтиш йўли  
 — круговой — доиравий ўтиш йўли  
**ПРОХОДКА — КАВЛАБ ЎТИШ, КАВЛАШ**  
 — горизонталей — ётик йўналишда кавлаш  
 — шахтного ствола — кон ўзагини кавлаш  
 — под сжатым воздухом — сикик хаво остида кавлаш  
 — полным профилем — тўлик кесимда кавлаш  
 — последовательная — кетма-кет кавлаш  
 — замораживанием — музлатиб кавлаш  
 — скважин — қудуқларни кавлаш  
 — уступами — поғоналаб кавлаш  
**ПРОХОДНОЙ — ЎТИШ ЖОЙИ, ЙЎЛАК**  
 — двор — ўрта ҳовли  
**ПРОЦЕНТ — ФОИЗ**  
**ПРОЦЕСС — ЖАРАЁН**  
 — вакуумирования — ҳавони сийраклаштириш жараёни  
 — восстановительный — тиклаш жараёни  
 — вычислительный — ҳисоблаш жараёни  
 — исследования — тадқиқот жараёни  
 — набухания — шишиш жараёни  
 — предварительный — дастлабки жараён  
 — обработки — ишлов бериш жараёни  
 — производственный — ишлаб чиқариш жараёни  
 — проходки — кавлаб ўтиш жараёни  
 — расширения — кенгайиш жараёни  
 — строительный — қурилиш жараёни  
 — схватывания — қотиш жараёни  
 — тепловой — иситиш жараёни

— деформирования — шакл ўзгариш жараёни  
**ПРОЧИСТИТЬ — ТОЗАЛАМОҚ**  
**ПРОЧНОСТЬ — МУСТАҲКАМЛИК, ЧИДАМЛИЛИК**  
 — в влажном состоянии — нам ҳолатдаги мустаҳкамлик  
 — в предельном состоянии — чегравий ҳолатдаги мустаҳкамлик  
 — в природных условиях — табиий шароитдаги мустаҳкамлик  
 — в сухом состоянии — қурук ҳолатдаги мустаҳкамлик  
 — грунта — грунтнинг мустаҳкамлиги  
 — динамическая — динамик таъсирга чидамлилик  
 — заполнителя — тўлдирувчининг мустаҳкамлиги  
 — избыточная — ортиқча мустаҳкамлик  
 — конечная — энг охириги чидамлилик  
 — кратковременная — қиска муддатли мустаҳкамлик  
 — критическая прочность бетона — бетоннинг энг юқори мустаҳкамлиги  
 — кубика — куб шаклидаги намуна мустаҳкамлиги  
 — марочная прочность бетона — бетон навининг мустаҳкамлиги  
 — материала — ашёнинг мустаҳкамлиги  
 — на изгиб — эгилишга мустаҳкамлик  
 — на излом — синишга мустаҳкамлик  
 — на осевое растяжение — ўқ бўйлаб чўзилишга мустаҳкамлик  
 — на разрыв — узилишга мустаҳкамлик  
 — на растяжение — чўзилишга мустаҳкамлик  
 — на сдвиг — силжишга мустаҳкамлик  
 — на сжатие — сиқилишга мустаҳкамлик  
 — на сжатие при изгибе — эгилишдаги сиқилишга мустаҳкамлик  
 — на скальвание — парчаланишга мустаҳкамлик  
 — на скручивание — буралишга мустаҳкамлик

— на смятие — эзилишга мустаҳкамлик  
 — на срез — киркилишга чидамлик  
 — начальная — бошланғич мустаҳкамлик  
 — нормативная — меъёрий мустаҳкамлик  
 — при местном сжатии — маҳаллий сикилишга чидамлик  
 — при осевом растяжении — ўк бўйлаб чўзилишга чидамлик  
 — при разрушении — бузилишга мустаҳкамлик  
 — при растяжении — чўзилишга мустаҳкамлик  
 — при растяжении и сжатии — чўзилиш ва сикилишга чидамлик  
 — при смятии — эзилишга мустаҳкамлик  
 — сварных соединений — пайванд чокларнинг мустаҳкамлиги  
 — связи — боғланиш мустаҳкамлиги  
 — склеивания — ёпиштириш чидамлиги  
 — собственная — хусусий мустаҳкамлик  
 — средняя — ўртача мустаҳкамлик  
 — статическая — мувозанат ҳолатдаги мустаҳкамлик  
 — ударная — зарбага чидамлик  
 — условная — шартли мустаҳкамлик  
**ПРОЧНЫЙ** — МУСТАҲКАМ, МАҲКАМ  
 — на изгиб — эгилишга мустаҳкам  
**ПРОШПАКЛЕВЫВАТЬ** — СУВАМОҚ, СУРКАМОҚ  
**ПРУД** — ХОВУЗ, СУНЪИЙ КЎЛ  
**ПРУДОК-ОТСТОЙНИК** — ТИНДИДИРГИЧ ХОВУЗ  
**ПРУЖИНА** — ПРУЖИНА  
 — винтовая — пармасимон пружина  
 — натяжная — тортувчи пружина  
 — пластинчатая — ясси пружина  
 — сжатая — кисилган пружина  
 — спиральная — ўрама пружина  
**ПРУТОК** — ЧИВИК, ХИВИЧ  
 — арматуры — ўзак чивиги  
**ПРЯДЬ** — АРҚОН, ЭШИЛГАН ИП

— вытовая проволочная — симли эшилган аркон  
 — пеньковая — эшилган канол аркон  
**ПРЯМАЯ** — ТЎҒРИ ЧИЗИК  
 — вспомогательная — ёрдамчи тўғри чизик  
 — горизонтальная — ётик тўғри чизик  
**ПРЯМОУГОЛЬНИК** — ТЎҒРИ ТЎРТ-БУРЧАК  
 — вытянутый — чўзик тўғри тўрт-бурчак  
**ПРЯМОУГОЛЬНЫЙ** — ТЎҒРИ БУРЧАКЛИ  
**ПРЯСЛО** — 1) ПАНЖАРА (панжаранинг икки устун орасидаги кисми); 2) СЎРИ  
**ПУАНСОН** — БОСМА ҚОЛИП  
**ПУСТОТООБРАЗОВАТЕЛЬ** — БЎШЛИҚ ҲОСИЛ ҚИЛГИЧ  
**ПУДРА** — КУКУН  
**ПУЗЫРЕК** — ПУФАҚЧА  
 — воды — сув пуфақчаси  
 — воздуха — хаво пуфақчаси  
**ПУЛЬПА** — КУЙҚА  
 — медленно текущая — секин оқувчан куйқа  
 — неподвижная — қўзғалмас куйқа  
**ПУЛЬПОПРОВОД** — КУЙҚА ОҚИЗГИЧ  
 — землесоса — сўрувчи куйқа оқизгич  
 — отстойника — тиндиргичнинг куйқа оқизгичи  
**ПУЛЬСАЦИЯ** — МАРОМИЙ ҲАРАКАТ, МАРОМИЙ ЎЗГАРИШ  
 — давления — босимнинг маромий ўзгариши  
 — колебания — тебранишнинг маромий ўзгариши  
 — периодическая — даврий ҳаракат  
 — сил давления — босим кучининг маромий ўзгариши  
 — скорости — тезликнинг бир маромда ўзгариши  
**ПУЛЬТ** — ПУЛЬТ; бошқарув қурилмаси  
 — общестанционный — умумий бошқарув пульти  
 — управления — бошқарув пульти  
**ПУНКТ** — ПУНКТ, ЖОЙ, МАНЗИЛ, НУҚТА  
 — геодезический — геодезик нуқта

— дорожно-ремонтный — йўл тамирлаш жойи  
 — заправочный — ёнилги қуйиш жойи  
 — конечный — охириги нукта, манзил  
 — населенный — ахоли яшайдиган пункт  
 — городского типа — шаҳар тоифасидаги пункт  
 — опорный — таянч нуктаси  
 — остановочный — тўхташ жойи  
 — погрузочный — юклаш жойи  
 — полигона — тажриба майдони  
 — примыкания — чегарадош манзил  
 — сельский населенный — кишлок жой  
 — скрещения — чорраҳа  
 — топографический — топографик нукта

**ПУСК — ИШГА СОЛИШ, ИШГА ТУШИРИШ, ТОПШИРИШ**  
 — в эксплуатацию — фойдаланишга топшириш  
 — дистанционный — масофадан ишга тушириш  
 — отопления — иситиш тармоғини ишга солиш

**ПУСКАТЕЛЬ — ИШГА ТУШИРГИЧ**  
 — магнитный — магнитли ишга туширгич  
 — масляный — мойли ишга туширгич  
 — электромагнитный — электромагнитли ишга туширгич

**ПУСКАТЬ В ХОД — ИШЛАТМОҚ, ИШГА ТУШИРМОҚ**

**ПУСКОВОЙ — ИШГА ТУШИРИЛУВЧИ**

**ПУСТОТА — БЎШЛИҚ**

**ПУСТОТЕЛЬНЫЙ — КАВАК, ИЧИ ҒОБАК**  
 — кирпич — ичи ғовак ғишт

**ПУСТОТНОСТЬ — ҒОВАКЛИК**  
 — насыпного заполнителя — тўлдирувчининг ғоваклиги

**ПУТЕПОДЪЕМНИК — ЙЎЛ КЎТАРГИЧ**

**ПУТЕПРОВОД — ОСМА ЙЎЛ** (бир йўлнинг тепасидан кўприк қилиб ўтказилган иккинчи йўл)  
 — арочный — равоқли осма йўл  
 — сборный железобетонный — йиғма темир-бетонли осма йўл

**ПУТЕУКЛАДЧИК — ЙЎЛ ЁТКИЗУВЧИ**

10—7723

**ПУТЬ — ЙЎЛ**  
 — бесстыковый — чоксиз йўл  
 — водный — сув йўли  
 — второстепенный — иккинчи даражали йўл  
 — двухколейный рельсовый — кўш пўлат изли йўл  
 — железнодорожный — темир йўл  
 — запасной — эҳтиёт йўл  
 — объездной — айланиб ўтиш йўли  
 — пешеходный — пиёдалар йўли  
 — погрузочно-выгрузочный — юклаш ва тушириш йўли  
 — подкрановый — кран (юк кўтаргич) йўли  
 — разъездной — ажратувчи йўл  
 — рельсовый — пўлат изли йўл  
 — сортировочный — саралаш йўли  
 — тормозной — тўхташ йўли  
 — транспортный — наклиёт йўли

**ПУЧЕНИЕ — КЎПЧИШ**  
 — грунта — грунтнинг кўпчиши

**ПУЧОК — ТУТАМ, БОҒЛАМ, ДАСТА**  
 — арматурный — ўзақлар боғлами  
 — предварительно - напряженный — олдиндан зўриктирилган тутам  
 — арматурной проволоки — ўзақ симлар тутами  
 — проволочный — симлар боғлами  
 — прядой — эшилган боғлам  
 — прямолинейный — тўғри чизикли боғлам  
 — сплошной — яхлит тутам  
 — труб — қувурлар боғлами  
 — фашинный — шох-шабба боғлами

**ПУШКА** (в строительство) — ЗАМБАРАК (курулишда)  
 — цемент-пушка — цемент пурковчи замбарак

**ПЫЛЕНЕПРОНИЦАЕМОСТЬ — ЧАНГ ЎТКАЗМАСЛИК, ЧАНГ СИНГДИРМАСЛИК**

**ПЫЛЕОБРАЗОВАНИЕ — ЧАНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ**

**ПЫЛЕОСАДИТЕЛЬ — ЧАНГ БОСТИРГИЧ**

**ПЫЛЕОТДЕЛИТЕЛЬ — ЧАНГ АЖРАТГИЧ**

**ПЫЛЕОСТОЙНИК — ЧАНГ ТИНДИРГИЧ**

**ПЫЛЕОЧИСТИТЕЛЬ — ЧАНГ ТОЗАЛАГИЧ**

**ПЫЛЕПРИЕМНИК — ЧАНГ ЮТГИЧ**

145

**ПЫЛЕСБОРНИК — ЧАНГ ТУПЛА-ГИЧ**

**ПЫЛЕУБОРКА — ЧАНГ ТОЗАЛАШ**

**ПЫЛЕУЛОВИТЕЛЬ — ЧАНГ ТУТ-ГИЧ**

— **вихревой** — уюрмали чанг тут-гич

— **матерчатый** — матоли чанг тут-гич

— **мешочного типа** — халтасимон чанг тутгич

— **мокрый** — хўл чанг тутгич

— **рукавный** — энгли чанг тутгич

— **сетчатый** — тўрли чанг тутгич

— **ультразвуковой** — ультрато-вушли чанг тутгич

— **электрический** — электр чанг тутгич

**ПЫЛЬ — ЧАНГ, КУКУН**

— **буровая** — бурғилаш кукуни

— **древесная** — ёғоч кукуни

— **зольная** — кул чанги

— **каменная** — тош кукуни

— **производственная** — ишлаб чи-кариш чанги

— **цементная** — цемент чанги

**ПЬЕЗОДИНАМОМЕТР — ПЬЕЗОДИ-НАМОМЕТР** (куч микдорини ўлчайдиган асбоб)

**ПЬЕЗОМЕТР — ПЬЕЗОМЕТР** (сув босимини аниқлайдиган асбоб)

— **рабочий** — ишчи пьезометр

**ПЯТА — ТОВОН, ТАЯНЧ**

— **арки** — равок таянчи

— **гребенчатая** — тароксимон таянч

— **жестко заделанная** — бикр маҳ-камланган таянч

— **опоры** — устун таянчи

— **свода** — гүмбаз таянчи

— **туннельного свода** — ер ости йўлаги гүмбазининг таянчи

— **центральная** — марказий таянч

— **вращения** — айланма таянч

## Р

**РАБОТА — ИШ, ИШЛАШ**

— **арматуры** — ўзакнинг ишлаши

— **внешних сил** — ташки кучлар-нинг иши

— **внутренних сил** — ички кучлар-нинг иши

— **деформации** — шакл ўзгартириш иши

— **кладки** — терма (девор) нинг ишлаши

— **отвальная** — ағдариш ишлари

— **подрядная** — пудрат иши

— **подсобная** — ёрдамчи, кўмакчи иш

— **предварительно-напряженного бетона** — олдиндан зўрктирил-ган бетоннинг ишлаши

— **пространственная работа каркаса** — синчнинг фазовий ишлаши

— **пространственная работа конст-рукции** — қурилманинг фазовий ишлаши

— **свай** — қозикнинг ишлаши

— **сезонная** — мавсумий иш

— **сжатой арматуры** — сиқилган ўзакнинг ишлаши

— **совместная работа бетона и ар-матуры** — бетон ва ўзакнинг биргаликда ишлаши

— **совместная работа бетона со сталью** — бетон ва пўлатнинг биргаликда ишлаши

— **совместная работа элементов составной конструкции** — йигма қурилма бўлақларининг бирга-ликда ишлаши

— **упругая работа конструкции** — қурилманинг эластик ишлаши

**РАБОТАТЬ — ИШЛАМОҚ**

— **на изгиб** — эгилишга ишламоқ

— **на растяжение** — чўзилишга иш-ламоқ

— **на сдвиг** — силжишга ишламоқ

— **на срез** — кесилишга ишламоқ

**РАБОТЫ — ИШЛАР**

— **арматурные** — ўзаклаш ишлари

— **армоопалубочные** — қолиплаш-ўзаклаш ишлари

— **берегоукрепительные** — қирғоқ-ни мустаҳкамлаш ишлари

— **бетонные** — бетонлаш ишлари

— **взрывные** — портлатиш ишлари

- **восстановительные** — тиклаш ишлари
- **вскрытые земляные** — ер кавлаш ишлари
- **геодезические** — геодезик ишлар
- **гидроизоляционные** — сувдан ҳимоялаш ишлари
- **гидромеханизированные** — сув кучида бажариладиган ишлар, гидромеханизация ишлари
- **горные** — кон ишлари
- **деревянные** — ёғоч ишлари
- **железобетонные** — темир-бетон ишлари
- **жестяные** — тунукачилик ишлари
- **земляные** — тупроқ ишлари
- **изоляционные** — ҳимоялаш ишлари
- **изыскательные** — изланиш ишлари
- **исследовательские** — тадқиқот ишлари
- **каменные** — тош, ғишт териш ишлари
- **каменетесные** — тош тарашлаш ишлари
- **крепежные** — маҳкамлаш (қотириш) ишлари
- **кровельные** — том ёпиш ишлари
- **кузнечные** — темирчилик ишлари
- **лепные** — ганчқорлик ишлари
- **малярные** — бўёқчилик ишлари
- **мелиоративные** — мелиорация ишлари
- **монтажные** — йиғиш-тиклаш ишлари
- **облицовочные** — кошинлаш ишлари
- **обойные** — гулқоғоз ёпиштириш ишлари
- **общестроительные** — умумий қурилиш ишлари
- **опалубочные** — қолиплаш ишлари
- **отделочные** — пардоз ишлари
- **планировочные** — текислаш ишлари
- **плотничные** — дурадгорлик ишлари
- **по реконструкции** — таъмирлаш ишлари
- **по сборке и разборке** — йиғиш ва ажратиш ишлари
- **погрузочно-разгрузочные** — юклаш-тушириш ишлари
- **погрузочные** — юклаш ишлари
- **подготовительные** — тайёргарлик ишлари
- **подземные** — ер ости ишлари
- **покрасочные** — бўяш ишлари
- **полевые** — дала ишлари
- **предварительные** — дастлабки ишлар
- **путеукладочные** — йўл ётқизиш ишлари
- **разбивочные** — режалаш ишлари
- **разгрузочные** — юк тушириш ишлари
- **распалубочные** — қолипларни олиш ишлари
- **ремонтно-восстановительные** — тузатиш-тиклаш ишлари
- **ремонтно-строительные** — тузатиш-қурилиш ишлари
- **ремонтные** — тузатиш ишлари
- **реставрации** — таъмирлаш ишлари
- **санитарно-технические** — санитария техникасига оид ишлар
- **сборочные** — йиғув ишлари
- **свайные** — қозик қоқиш ишлари
- **сварочные** — пайвандлаш ишлари
- **скрытые** — яширин ишлар
- **слесарные** — чилангарлик ишлари
- **столярные** — дурадгорлик ишлари
- **строительные** — бинокорлик (қурилиш) ишлари
- **такелажные** — такелаж (юкларни ортиш, ташиш, тушириш ва тахлаш) ишлари
- **топографические** — топография (ер ўлчаш ва харита чизиш) ишлари
- **транспортные** — нақлиёт ишлари
- **туннельные** — туннел (ер таги ёки тоғ остидан ўтган йўл) ишлари
- **укрепительные** — маҳкамлаш ишлари
- **цементационные** — қотириш ишлари
- **штукатурные** — сувоқчилик ишлари

— экскавационные — кавлаш ишлари  
 — экспериментальные — амалий-тажриба ишлари  
**РАБОЧИЙ — ИШЧИ**  
 — высококвалифицированный — юқори малакали ишчи  
 — квалифицированный — малакали ишчи  
 — монтажник — тикловчи (йиғувчи) ишчи  
 — повременник — вақтбай ҳақ оладиган ишчи  
 — подручный (подсобный) — ёрдамчи ишчи  
 — сдельщик — ишбай ҳақ оладиган ишчи  
 — строитель — бинокор ишчи, қурувчи  
**РАВНИНА — ТЕКИСЛИК, ЯЛАНГЛИК**  
**РАВНОВЕСИЕ — МУВОЗАНАТ**  
 — моментов — моментлар мувозанати  
 — невозмущенное — тинч, осойишта мувозанат  
 — по сдвигу — силжишдаги мувозанат  
 — предельное — чегаравий мувозанат  
 — распорок — кашаклар, тиргақлар мувозанати  
**РАВНОДЕЙСТВУЮЩАЯ — ТЕНГ ТАЪСИР ЭТУВЧИ**  
 — нагрузки — тенг таъсир этувчи юқлар  
 — сил (усилий) — тенг таъсир этувчи кучлар  
**РАВНОЗЕРНИСТЫЙ — ТЕНГ ДОНАЛИ, БИР ХИЛ ДОНАЛИ**  
**РАВНОЗНАЧНОСТЬ — ТЕНГ ҚИЙМАТЛИ**  
**РАВНОМЕРНО ИЗОГНУТЫЙ — ТЕКИС БУКИЛГАН**  
**РАВНОМЕРНОСТЬ — БИРТЕКИСЛИК**  
 — изменения объема — ҳажмининг биртекис ўзгариши  
 — сжатия — биртекис сиқилиш  
**РАВНОМЕРНЫЙ — ТЕКИС, БИР МЕЪЁРДАГИ**  
**РАВНОНАКЛОНЕННЫЙ — ТЕКИС ҚИЙШАЙГАН**  
**РАВНОПЛЕЧИЙ — ТЕНГ ЕЛКАЛИ**  
**РАВНОПЛОТНОСТЬ — БИР ХИЛ ЗИЧЛИЛИК**

— бетона — бетоннинг бир хил зичлиги  
**РАВНОПРОЛЕТНЫЙ — ТЕНГ ОРАЛИҚЛИ, ТЕНГ ҚУЛОЧЛИ**  
**РАВНОПРОЧНОСТЬ — ТЕНГ МУСТАХКАМЛИЛИК**  
**РАВНОПРОЧНЫЙ — ТЕНГ МУСТАХКАМ...**  
**РАДИАЛЬНЫЙ — РАДИАЛ (РАДИУС БЎЙЛАБ)**  
**РАДИАТОР — РАДИАТОР (ИСИТГИЧ)**  
 — водяной — сувли иситгич  
 — газовый — газли иситгич  
 — керамический — сопол иситгич  
 — отопления — иситиш радиатори, иситиш қурилмаси  
 — ребристый — қовурғали иситгич  
 — стальной — пўлат иситгич  
 — трубчатый — қувурлардан ясалган иситгич  
 — фарфоровый — чинни иситгич  
 — чугунный — чўян иситгич  
 — электрический — электр иситгич  
**РАЗБАВИТЕЛЬ — СУЮЛТИРГИЧ, АРАЛАШТИРГИЧ**  
**РАЗБАВИТЬ, РАЗБАВЛЯТЬ — СУЮЛТИРМОҚ, АРАЛАШТИРМОҚ**  
**РАЗБИВКА — БЎЛИШ, АЖРАТИШ, РЕЖАЛАШ, БЕЛГИЛАШ**  
 — высотная — баландлик бўйлаб белгилаш  
 — главных точек — бош нуқталар (асосий нуқталар)ни белгилаш  
 — здания — иморат ўрнини белгилаш  
 — земляного полотна — йўл кўтармаси ўрнини белгилаш  
 — кривых — эгри чизикни бўлиш  
 — линии — чизикни бўлиш  
 — объектов на захватки — қурилиш майдонини бўлақларга ажратиш  
 — осей — ўқларни белгилаш  
 — оси дороги — йўл ўқини белгилаш  
 — плановая — тарх бўйича белгилаш  
 — сооружения — иншоот ўрнини белгилаш  
**РАЗБОРКА — ҚИСМЛАРГА АЖРАТИШ, БУЗИШ**  
 — здания — иморатни бузиш  
 — опалубки — қолипни қисмларга ажратиш



— подмостей — ҳавозаларни қисмларга ажратиш

**РАЗБЫЗГИВАТЕЛЬ** — ПУРКАГИЧ

— закрытого типа — ёпик пуркагич

— открытого типа — очик пуркагич

— передвижной — кўчма пуркагич

**РАЗБУРИВАНИЕ** — БУРҒИЛАШ, ПАРМАЛАШ

**РАЗБУХАНИЕ** — ШИШИШ

**РАЗВАЛИНА** — ХАРОБА

**РАЗВЕДКА** — ҚИДИРИШ, ТЕКШИРИШ

— бурением — пармалаб қидириш

— грунта — грунтни текшириш

**РАЗВЕРТКА** — ЁЙИЛГАН ХОЛАТ

**РАЗВЕРТЫВАНИЕ** — ЁЙИШ

**РАЗВЕТВЛЕНИЕ** — ТАРМОҚЛАНИШ

— с муфтами — муфта (улагич) лар ёрдамида тармоқланиш

**РАЗВИЛКА** — АЙРИЛИШ, АЙРИ

**РАЗВИТИЕ** — РИВОЖЛАНИШ, ЎСИШ

**РАЗВОДКА** — ЎТКАЗИШ, АЖРАТИШ

— арматурного пучка — темир ўзак боғламини ажратиш

— верхняя — юкоридан ўтказиш

— верхняя разводка сети — тармокни юкоридан ўтказиш

— водопроводная — сув қувурларини ўтказиш

— газовая — газ ўтказиш

— канализационная — канализация қувурларини ўтказиш

— нижняя — остидан ўтказиш

— нижняя разводка сети — тармокни қуйидан ўтказиш

— открытая разводка сети — очик тармоқ ўтказиш

— скрытая разводка сети — ёпик тармоқ ўтказиш

**РАЗВОДНОЙ** — КЕРИЛАДИГАН, АЖРАЛАДИГАН

— ключ — кериладиган калит

**РАЗГРУЖАТЬ, РАЗГРУЗИТЬ** — ЮКСИЗЛАНТИРМОҚ, ЮКДАН БЎШАТМОҚ

**РАЗГРУЗКА** — ЮКСИЗЛАШ, ЮКДАН БЎШАТИШ, ЮКНИ ТУШИРИШ

— автоматическая — автоматик тарзда юксизлаш

— аэропневматическая — босим остида юксизлаш

— пакетная — яхлит юкларни тушириш

— пневматическая — ҳаво босими ёрдамида юксизлаш

— принудительная — мажбурий (зўраки) юксизлаш

— центробежная — марказдан қочма усулда юксизлаш

**РАЗГРУЗЧИК** — ЮК ТУШИРУВЧИ, ЮК ТУШИРГИЧ

— барабанный — барабанли юк туширгич

— боковой — ёнлама юк туширгич

— вакуумный разгрузчик цемента — цементни сўриб туширгич

— грейферный — чагакли юк туширгич

— ковшовый — чўмичли юк туширгич

— пневматический — сиқилган ҳаво ёрдамида юк туширгич

— работающий на давлении — босим остида юк туширгич

— самоходный элеваторный — тасмали ўзюрар юк туширгич

— скребковый — куракли юк туширгич

— шнековый — шнекли юк туширгич

**РАЗДАВЛИВАНИЕ** — ЭЗИШ, ЯНЧИШ

— образца — намунани эзиш

**РАЗДЕВАЛКА** — ЕЧНИШИ ХОНАСИ

**РАЗДЕЛИТЕЛЬ** — БЎЛГИЧ, АЖРАТИГИЧ

**РАЗДЕЛКА** — ИШЛОВ БЕРИШ

— швов — чокларга ишлов бериш

— откоса — рахта ишлов бериш

**РАЗДРОБИТЬ** — МАЙДАЛАМОҚ, УШАТМОҚ

**РАЗЖЕЛОБОК** — НОВ, ТАРНОВ

**РАЗЖИЖАТЬ** — СУЮЛТИРМОҚ, ҚУЙҚАЛАМОҚ

**РАЗЖИЖЕНИЕ** — СУЮЛИШ, ҚУЙҚАЛАНИШ

**РАЗЖИЖИТЕЛЬ** — СУЮЛТИРГИЧ

**РАЗЛАГАЕМЫЙ** — ҚИСМЛАРГА АЖРАЛУВЧИ, ПАРЧАЛАНУВЧИ

**РАЗЛАГАТЬ** — ҚИСМЛАРГА АЖРАТМОҚ, ПАРЧАЛАМОҚ

**РАЗЛАМЫВАТЬ** — СИНДИРМОҚ, МАЙДАЛАМОҚ

**РАЗЛИЧИЕ** — ТАФОВУТ, ФАРҚ

— осадок — чўкишлар фарқи

— уровней напора — босим сатҳлари фарқи

**РАЗЛОМ** — СИНИК, ЁРИК

**РАЗЛОМАТЬ** — СИНДИРМОҚ, БЎЛ-  
МОҚ  
**РАЗМАЛЫВАЕМОСТЬ** — КУКУНЛА-  
НИШЛИК, ТУЮЛИШЛИК  
**РАЗМАЛЫВАТЬ** — ТУЙМОҚ, МАЙ-  
ДАЛАМОҚ  
**РАЗМАТЫВАНИЕ** — ЧУВАТИШ  
— проволоки — симни чуватиш  
(ўровдан бўшатиш)  
**РАЗМЕЛЬЧАТЬ** — МАЙДАЛАМОҚ  
**РАЗМЕЛЬЧЕНИЕ** — МАЙДАЛАШ,  
МАЙДАЛАНИШ  
**РАЗМЕЛЬЧЕННЫЙ** — МАЙДАЛАН-  
ГАН  
**РАЗМЕР** — ЎЛЧАМ, КАТТАЛИК  
— в свету — оралик ўлчам (тир-  
киш ўлчами)  
— внутренний — ички ўлчам  
— вчерне — хомаки ўлчам  
— габаритный — камров ўлчами  
— геометрический — хандасавий  
ўлчам  
— заданный — берилган ўлчам  
— зазора — тиркиш ўлчами  
— зерен — доналар ўлчами  
— исходный — бошланғич ўлчам  
— максимальный — энг катта ўл-  
чам  
— минимальный — энг кичик ўл-  
чам  
— назначенный — белгиланган ўл-  
чам  
— наружный — ташки, сиртки ўл-  
чам  
— натуральный — табиий ўлчам  
— нормальный — меъерий ўлчам  
— образца — намуна ўлчами  
— общий размер конструкции —  
курилманинг умумий ўлчами  
— основной — асосий ўлчам  
— основной проектный — лойиха-  
даги асосий ўлчам  
— предельный — чегаравий ўлчам  
— постоянный — доимий ўлчам  
— продольный — буйлама ўлчам  
— пролета — кулоч ўлчами  
— рабочий — ишчи ўлчам  
— расчетный — хисобий ўлчам  
— свободный — эркин ўлчам  
— сита — элак ўлчами  
— средний размер — ўртача ўлчам  
— стандартный — мезоний ўлчам  
— усадки — киришиш ўлчами  
— фактический — хакикий ўлчам

— шага колонн — устунлар орали-  
ғи ўлчами  
— ячейки сетки — тўр тешиклари  
ўлчами.

**РАЗМЕРНОСТЬ** — ЎЛЧАМЛИЛИК  
**РАЗМЕСТИТЬ** — ЖОЙЛАШТИРМОҚ,  
ЎРНАШТИРМОҚ

**РАЗМЕТИТЬ** — БЕЛГИЛАМОҚ  
**РАЗМЕТКА** — БЕЛГИЛАШ, БЕЛГИ  
ҚЎЙИШ

— для гнутья — эгиш учун белги  
қўйиш, эгилиш жойларини бел-  
гилаш

— пространственная — фазовий  
белгилаш

**РАЗМЕЧАТЬ** — БЕЛГИ ҚЎЙМОҚ

— керном — керн билан белги қўй-  
моқ

— колышками — козиқчалар билан  
белги қўймоқ

**РАЗМЕЩЕНИЕ** — ЖОЙЛАШУВ

— швов — чокларнинг жойлашуви

**РАЗМОКАЕМОСТЬ** — БЎКУВЧАН-  
ЛИК, ИВУВЧАНЛИК

**РАЗМОКАНИЕ** — БЎКИШ, ИВИШ

**РАЗМОЛ** — ТОРТИШ, МАЙДАЛАШ

**РАЗМОЛОТЬ** — ТОРТМОҚ, МАЙДА-  
ЛАМОҚ, ТУЙМОҚ

**РАЗМОРАЖИВАНИЕ** — МУЗДАН  
ТУШИРИШ

**РАЗМЫВАЕМОСТЬ ПОРОД** — ТОҒ  
ЖИНСЛАРИНИНГ ЕМИРИЛУВ-  
ЧАНЛИГИ

**РАЗМЫВАНИЕ** — ЮВИЛИШ, ЕМИ-  
РИЛИШ, НУРАШ

**РАЗМЫКАНИЕ** — ИВИШ, БЎКИШ

**РАЗМЯГЧАЕМОСТЬ** — ЮМШОК-  
ЛАНУВЧАНЛИК

**РАЗМЯГЧЕНИЕ** — ЮМШАТИШ

**РАЗНОВИДНОСТЬ** — ТУР, ХИЛ

— здания — бино тури

— сооружения — иншоот тури

**РАЗНОЗЕРНИСТЫЙ** — ҲАР ХИЛ  
ДОНАЛИ

**РАЗНОПЛЕЧИЙ** — ТУРЛИЧА ЕЛКА-  
ЛИ

**РАЗНОРОДНЫЙ** — ТУРЛИЧА  
ЖИНСЛИ

**РАЗНОСТЬ** — ФАРҚ, АЙИРМА

— главных напряжений — бош зў-  
риқишлар фарқи

— давлений — босимлар фарқи

— отметок — сахнлар фарқи

— предельная — чегаравий фарқ

- расчетная разность температур — хисобий хароратлар фарқи
- средняя разность температур теплообменивающихся сред — иссиқлик алмашинувчи мухитнинг ўртача хароратлар фарқи
- температур — хароратлар фарқи
- РАЗНОТИПНОСТЬ КОНСТРУКЦИЙ** — ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ
- РАЗНОТОЛЩИННОСТЬ** — ТУРЛИЧА ҚАЛИНЛИЛИК
- РАЗОБРАТЬ** — ҚИСМЛАР (БЎЛАКЛАР) ГА АЖРАТМОҚ
- РАЗОГРЕВ** — ИСИТИШ, ҚИЗДИРИШ
- РАЗРАБАТЫВАТЬ, РАЗРАБОТАТЬ** — ИШЛАБ ЧИҚМОҚ, ИШЛАБ ТАЙЁРЛАМОҚ, ТАДҚИҚ ҚИЛМОҚ, ҚАЗИБ ОЛМОҚ
- РАЗРАБОТКА** — ИШЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚИШ, ИШЛОВ БЕРИШ, КОВАЛАШ, ҚАЗИБ ОЛИШ, ҚАЗИШ
  - безопасная разработка породы — тоғ жинсларини хавфсиз усулда казиб олиш
  - боковая — ён тарафдан казиш
  - веерная — ярим доира шаклида ишлов бериш
  - водонасыщенных грунтов — сувга тўйинган грунтларга ишлов бериш
  - котлована — хандақ казиш
  - лобовая — олд томондан ишлов бериш
  - мерзлых грунтов — музлаган грунтларни ковлаш
  - месторождения — фойдални казилма конларини казиш
  - открытым способом — очик усулда казиш
  - подводная — сув остида ишлаш (казиш, ковлаш)
  - подземная — ер остида ишлаш
  - траншей — зовур казиш
- РАЗРАВНИВАНИЕ** — ТЕКИСЛАШ
  - грунта — грунтни текислаш
- РАЗРАВНИВАТЬ** — ТЕКИСЛАМОҚ бетона — бетонни текисламоқ
- РАЗРЕЖЕНИЕ** — СИЙРАКЛАШТИРИШ, СУЮЛТИРИШ
  - застройки города — шаҳарда иморатлар куришни сийраклаштириш
- РАЗРЕЗ** — ҚИРҚИМ
  - вертикальный — тик қирқим
  - горизонтальный — ётик қирқим
- поперечный — кўндаланг қирқим
- продольный — бўйлама қирқим
- тангенциальный — уринма йўналишдаги қирқим
- торцовый — ён қирқим
- РАЗРЕЗАТЬ** — КЕСМОҚ, ҚИРҚМОҚ, ТИЛМОҚ
- РАЗРЕЗКА** — ҚИРҚИШ, АЖРАТИШ, БЎЛАКЛАШ
  - двухрядная разрезка стен — деворларни икки қаторли қилиб бўлаклаш
  - ленточная разрезка стен — деворларни тасмасимон бўлаклаш
  - многорядная разрезка стен — деворларни кўп қаторлаб бўлаклаш
  - поэтажная разрезка стен — деворларни қаватлаб бўлаклаш
- РАЗРУШЕНИЕ** — БУЗИЛИШ, ҚУЛАШ, ЕМИРИЛИШ
  - внутреннее — ички бузилиш
  - вязкое — ёпишқоқ ҳолатда бузилиш
  - гидравлическое разрушение грунта — грунтнинг сув таъсирида бузилиши, емирилиши
  - грунта — грунтнинг бузилиши, емирилиши
  - грунта гидродинамическим давлением — грунтнинг сув ҳаракати босими таъсирида емирилиши
  - длительное — узок муддатли бузилиш, емирилиш
  - замедленное — секинлик билан бузилиш, емирилиш
  - наружное — ташки, сиртки бузилиш, емирилиш
  - начальное — дастлабки бузилиш, емирилиш
  - основания — заминнинг бузилиши, емирилиши
  - от среза — қирқилиш натижасида бузилиш
  - от усадки — қиришиш натижасида бузилиш, емирилиш
  - от усталости — толиқиш натижасида бузилиш
